



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 23 » iyul

№ 464

Toshkent sh.

### Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлигига қўйиладиган ягона талабларни белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

#### 1. Куйидагилар:

Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламент **1-иловага** мувофиқ;

Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламентни жорий этиш схемаси **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Техник регламент расмий эълон қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгач амалга киритилсин.

3. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси худудида курилиши, ишлаб чиқарилиши, ўрнатилиши, ясалиши ва ишга туширилиши техник регламент кучга кирган санадан олдин тўхтатилган маҳсулотлар учун мувофиқлик сертификатлари ёки декларациялари уларда кўрсатилган муддат давомида амал қиласди.

4. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда ушбу қарорнинг мақсадлари, мазмуни ҳамда уни кўллаш тартиби тўғрисида ахоли, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кенг хабардор қилинишини таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов, транспорт вазири И.Р. Маҳкамов, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А.Р. Жуманазаров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “23” июлдаги 464-сон қарорига  
1-илова

## Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги ТЕХНИК РЕГЛАМЕНТ

### 1-боб. Умумий қондалар

1. Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламент (кейинги ўринларда – Техник регламент) юқори тезлиқдаги темир йўл транспортига нисбатан татбиқ этилади ҳамда аҳоли ҳаёти ва саломатлигини, атроф-муҳитни, юридик ва жисмоний шахслар, давлатнинг мол-мулкини ҳимоя қилиш мақсадида юқори тезлиқдаги темир йўл транспортига қўйиладиган хавфсизлик талабларини белгилайди.

2. Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти ушбу Техник регламентнинг техник жиҳатдан тартибга солиш обьекти ҳисобланади ва қуидагиларни ўз ичига олади:

а) ҳаракатланиш тезлиги  $200 \text{ km/h}$  дан ортиқ бўлган, йўл изининг кенглиги  $1520 \text{ mm}$  бўлган умумий фойдаланишдаги темир йўлларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун топширилиб, такомиллаштирилаётган (модернизация қилинаётган), ишлаб чиқарилаётган юқори тезлиқдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмларини;

б) юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси, хусусан:

юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг темир йўл, темир йўл электр таъминоти, темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси, темир йўл телекоммуникациялари, шунингдек, темир йўл станциясининг бино ва иншоотлари, қурилмалари ҳамда мосламалари каби қуий тизимларини;

юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуий тизимларининг таркибий қисмлари ва қуий тизимлар таркибий қисмларининг элементларини.

3. Ушбу Техник регламент талаблари юқори тезлиқдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари, юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларини лойиҳалаштириш (шу жумладан, тадқиқотлар олиб бориш), ишлаб чиқариш, қуриш, монтаж қилиш, созлаш, қурилиши якунланганларини қабул қилиш ва фойдаланишга топшириш, шунингдек, темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини баҳолашда мажбурийдир.

Юқори тезлиқдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламент талаблари татбиқ этиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш обьектлари рўйхати ушбу Техник регламентга 1-иловада келтирилган.

4. Юқори тезликда ҳаракатланадиган темир йўл транспортидан фойдаланишга ҳамда ундан фойдаланиш жараёнида темир йўл транспорти ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш қисми бўйича кўйиладиган талаблар Ўзбекистон Республикасининг темир йўлларида юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид норматив-хукуқий хужжатлар ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар билан белгиланади.

5. Ушбу Техник регламентда қўйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилади:

**автоматик тормоз** – ҳаво ўтказгич магистрали ажралиши ёки узилишида ва (ёки) шошилинч тормоз (стоп-кран) очилишида поезднинг автоматик тўхташини таъминлайдиган қурилма;

**давлат назорати органи** – техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар талабларига риоя этилиши устидан давлат назоратини амалга оширишга ваколатли бўлган Республика ижро этувчи ҳокимият органи;

**инновацион темир йўл маҳсулоти** – технологик хусусиятлари (функционал хусусиятлар, дизайн, кўшимча жараёнлар, шунингдек, ишлатилган материаллар ва компонентлар таркиби) ёки фойдаланиш мақсадлари принципиал жиҳатдан янги бўлган ёхуд аввал ишлаб чиқарилган ўхшашиб темир йўл маҳсулотидан жиддий фарқ қиласидиган темир йўл маҳсулоти;

**контакт тармоғи** – тортиш подстанцияларидан ҳаракатдаги таркибининг ток қабул қилувчи мосламаларигача электр энергиясини узатишни таъминловчи симлар, қурилмалар ва ускуналар тўплами;

**локомотив автоматик сигнализацияси** – юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби яқинлашаётган йўл светофорларининг сигналларини локомотив машинисти кабинасига узатувчи қурилмалар мажмуи;

**магнит рельсли тормоз** – тормоз бошмоғини рельсга электромагнит тортиш йўли билан тормоз кучланишини ҳосил қилувчи қурилма;

**машинист кабинаси** – юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби кузовининг пардеворлар билан ажратилган, локомотив бригадаси иш жойлари, ҳаракатдаги таркибни бошқариш учун асбоб ва мосламалар жойлашган қисми;

**муомалага чиқариш** – темир йўл маҳсулотининг ишлаб чиқаришдан фойдаланишга топширишгача бўлган ҳаётий даври босқичи;

**назорат остида фойдаланиш** – юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларининг техник ҳолатини кўшимча назорат қилиш ва ҳисобини юритиш билан бирга олиб борилувчи юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларидан белгиланган талабларга мувофиқ фойдаланиш;

**перегон** – темир йўл транспорти инфратузилмасининг қўшни станциялар, разъездлар, қувиб ўтиш пунктлари ёки йўл постлари билан чегараланган қисми;

**пневматик тормоз** – пневматик бошқарувли тормоз;

**рекуператив тормозланиш** – юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг электродинамик тормоз ёрдамида амалга оширилувчи тормозланиши, бунда тортувчи электр двигателларнинг генератор режимига ўтказилиши хисобидан ажралиб чиқувчи электр энергияси контакт тармоғига узатилади;

**сертификатлаштирилган темир йўл маҳсулоти** – Техник регламентлар талабларига мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш сертификатлаштириш шаклида амалга оширилган темир йўл маҳсулоти;

**станциянинг бино, иншоот ва қурилмалари** – темир йўл станцияларида юқ, поча жўнатмалари ва поездлар билан амалиётларни бажариш, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси ва юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш, шунингдек, йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган бино, иншоот ва қурилмаларнинг технологик мажмуаларини ўз ичига олган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг куйи тизими;

**тайинланган ресурс** – темир йўл маҳсулоти ишлашининг умумий давомийлиги бўлиб, унга етгач техник ҳолатидан қатъи назар, темир йўл маҳсулотидан фойдаланиш тўхталиши лозим;

**тайинланган сақлаш муддати** – темир йўл маҳсулотини сақлаш муддатининг календарь давомийлиги бўлиб, бу муддатга етгач техник ҳолатидан қатъи назар, темир йўл маҳсулотини сақлаш тўхтатилиши лозим;

**тайинланган хизмат муддати** – темир йўл маҳсулотидан фойдаланиш муддатининг календарь давомийлиги бўлиб, бу муддатга етгач техник ҳолатидан қатъи назар, темир йўл маҳсулотидан фойдаланиш тўхтатилиши лозим;

**темир йўллар** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг куйи тизими бўлиб, темир йўл устки қурилмаларини, ер кўтармасини, ер кўтармасининг ажратилган минақада жойлашган дренаж, сув ўтказувчи, деформацияга қарши, ҳимояловчи ва маҳкамловчи иншоотларини, шунингдек, сунъий иншоотларни ўз ичига олади;

**темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг куйи тизими бўлиб, перегон ва станцияларда юқори тезликдаги темир йўл транспорти ҳаракатини ҳамда манёвр ишларини бошқаришни таъминловчи сигнализация, марказлаштириш ва блоклашга оид техник қурилмалар ва мосламалар тўпламини ўз ичига олади;

**темир йўл маҳсулоти** – юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби ва унинг таркибий қисмлари, шунингдек, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг куйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари ёки унинг куйи тизимлари таркибий қисмларининг элементлари тўплами;

**темир йўл маҳсулотини идентификациялаш** – тегишли темир йўл маҳсулотининг тақдим этилган техник ҳужжатларга мувофиқлигини белгилаш таомили;

**темир йўл станцияси** – поездларни қабул қилиш, жўнатиш, кесишириш ва қувиб ўтиш операцияларини, багажни, юк багажини, юкларни, почта ва курьерлик жўнатмаларини қабул қилиш, бериш ҳамда йўловчиларга хизмат кўрсатиш операцияларини, поездларни тарқатиш ва тузиш бўйича манёвр ишларини ҳамда поездлар билан техник операцияларни амалга ошириш имконини берадиган, асосий темир йўллардан ташқари темир йўлларнинг кўшимча гурухларига эга бўлган алоҳида пункт;

**темир йўл электр таъминоти** – юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг куйи тизими бўлиб, юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмасининг электр энергиясини истеъмол қиласидиган куйи тизимларини, шунингдек, юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини электр манбай билан таъминлайдиган техник қурилмалар ва мосламалар комплексини ўз ичига олади;

**тормозлаш йўли** – машинист крани ёки шошилинч тормозлаш крани дастаги тормозлаш вазиятига ўтказилган пайтдан юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби тўлиқ тўхтагунга қадар босиб ўтадиган масофа;

**тўхтаб туриш тормози** – юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби бирлигига жойлашган ва уни тўхташ жойида ўз-ўзидан кетиб қолишдан асраш, шунингдек, юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби бирлиги ичидаги дастакли ёки автоматик узатма мавжудлигига авария ҳолатида мажбурий тўхтатиш учун мўлжалланган дастакли ёки автоматик узатмали қурилма;

**фойдаланиш бўйича қўлланма** – темир йўл маҳсулотининг конструкцияси, фаолияти тамойили, хусусиятлари (хоссалари) тўғрисидаги маълумотларни ҳамда маҳсулотдан хавфсиз ва тўғри фойдаланиш (мақсадли фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, жорий таъмирлаш, сақлаш ва ташиш), таъмирлашга жўнатиш заруратини аниқлашда техник ҳолатини баҳолаш учун зарур бўлган кўрсатмаларни, шунингдек, маҳсулотни утилизация қилишга оид маълумотларни ўз ичига олган хужжат;

**фойдаланиш ҳужжатлари** – ўзи алоҳида ёки бошқа ҳужжатлар билан биргаликда темир йўл маҳсулотидан фойдаланиш қоидаларини белгилайдиган ва (ёки) ўзида темир йўл маҳсулоти асосий параметрлари ҳамда хусусиятларининг (хоссалари) ишлаб чиқарувчи томонидан кафолатланган қийматларини тасдиқловчи маълумотларни, шунингдек, белгиланган хизмат муддати давомидаги кафолатлар ва фойдаланиш бўйича маълумотларни акс эттирадиган конструкторлик ҳужжатлари;

**фойдаланишга қабул қилиш** – қурилиши якунланган темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш шакли;

**шошилинч тормозлаш** – максимал тормоз кучини ишга тушириш орқали юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибини дарҳол тўхтатишни талаб қиласидиган ҳолларда қўлланадиган тормозлаш;

**электродинамик тормоз** – тортиш электродвигателларини генератор режимига ўтказиш йўли билан юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг кинетик энергиясини электр энергиясига ўзгартириш орқали тормозлаш кучини вужудга келтирадиган ускуна;

**электропневматик тормоз** – пневматик тормозларни электр энергияси орқали бошқарадиган тормозлаш ускунаси;

**юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси (кейинги ўринларда – темир йўл транспорти инфратузилмаси)** – технологик мажмуа бўлиб, ушбу мажмуа фаолиятини таъминловчи темир йўлларни, темир йўл станцияларини, электр таъминоти қурилмаларини, алоқа тармоқларини, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимларини, ахборот мажмуаларини, ҳаракатни бошқариш тизимини, бинолар, иншоотлар, қурилмалар, жиҳозлар ва ускуналарни ўз ичига олади;

**юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти (кейинги ўринларда – темир йўл транспорти инфратузилмаси объекти)** – темир йўл транспорти инфратузилмаси куйи тизимларининг таркибий қисми ёки унинг куйи тизимларининг таркибий қисмлари тўплами;

**юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги** – юқори тезликдаги темир йўл транспортининг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига, жисмоний ва юридик шахслар мол-мулкига, давлат мулкига, шунингдек, атроф-муҳит, ҳайвонот ҳамда ўсимликлар дунёсига зарар етказиш билан боғлиқ йўл қўйиб бўлмайдиган хавф-хатар мавжуд бўлмаган ҳолати;

**юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби (кейинги ўринларда – ҳаракатдаги таркиб)** – йўловчилар ва (ёки) багажни, почта жўнатмаларини ташиш учун мўлжалланган, ҳаракатланиш тезлиги 200 km/h дан ортиқ бўлган ҳаракатдаги таркибни шакллантирадиган моторли ва моторсиз вагонлар;

**ҳаракатдаги таркиб бирлиги** – ҳаракатдаги таркибни шакллантирадиган моторли ва моторсиз вагонлар;

**ҳаракатдаги таркибнинг таркибий қисми** – ҳаракатдаги таркибнинг конструкциясига кирувчи ҳамда ундан хавфсиз фойдаланишни, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминловчи деталь, йиғма бирлик, мажмуа ёки уларнинг тўплами;

**ҳаракатдаги таркиб тормозланиши** – тезликни камайтириш ёки ҳаракатланаётган ҳаракатдаги таркибни тўхтатиш мақсадида тормоз тизимини бошқариш учун асбоб ва қурилмаларга таъсир қилиш.

## 2-боб. Хавфсизлик талаблари

6. Ушбу Техник регламент зарар етказиш хавфи даражасини ҳисобга олган ҳолда темир йўл транспорти инфратузилмаси учун:

а) нурланиш хавфсизлиги;

- б) биологик хавфсизлик;
- в) портлаш хавфсизлиги;
- г) гидрометеорологик хавфсизлик;
- д) механик хавфсизлик;
- е) ёнгин хавфсизлиги;
- ж) саноат хавфсизлиги;
- з) термик хавфсизлик;
- и) кимёвий хавфсизлик;
- к) электр хавфсизлиги;
- л) асбоб ва жиҳозлар хавфсиз ишлашини таъминлаш қисмида электромагнит мослашувчанлик;
- м) ўлчашларнинг ягона бирликда бўлишини таъминлайдиган зарур минимал талабларни белгилайди.

7. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштиришда хавф даражаси ҳисоб-китоб, эксперталар фикри орқали ва экспериментал йўл билан, шу жумладан, ўхшаши темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулотидан фойдаланиш бўйича маълумотлар асосида баҳоланиши лозим. Хавф даражасини баҳолаш услублари мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) мақсадлари учун қўлланадиган техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланиши мумкин.

8. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулоти хавфсизлиги:

- а) темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштиришда илмий-тадқиқот ҳамда тажриба-конструкторлик ишлари комплексини амалга ошириш;
- б) синовдан ўтказилган техник ечимларни қўллаш;
- в) темир йўл маҳсулотининг тайинланган хизмат муддатлари ва (ёки) ресурсларини белгилаш, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлашни зарур даврийлик билан ўтказиш;
- г) синовдан ўтказилган услубларга асосланган ҳисоб-китоблар комплексини амалга ошириш;
- д) темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини ва темир йўл маҳсулотини фойдаланиш параметрлари ҳамда шартларидан келиб чиқсан ҳолда лойиҳалаштириш (шу жумладан, тадқиқотлар олиб бориш), ишлаб чиқариш, куриш, монтаж қилиш, созлаш ва фойдаланишга топширишда қўлланадиган материаллар ва моддаларни танлаш;
- е) темир йўл маҳсулотининг чекловли ҳолатлари мезонларини белгилаш;
- ж) лойиҳаловчи томонидан амалга ошириладиган муаллифлик назорати орқали лойиҳа ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш;

з) темир йўл маҳсулотини утилизация қилиш шартлари ва усулларини аниқлаш;

и) харакатдаги таркиб учун хавфли об-ҳаво ҳодисалари параметрларини белгилаш ва ушбу хавфли об-ҳаво ҳодисалари юзага келишини асбоб-ускуналар ёрдамида мониторинг қилишни ташкил этиш;

к) темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини баҳолаш орқали таъминланади.

9. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ҳамда темир йўл маҳсулоти ўзининг мустаҳкамлиги, бардошлилиги ва техник ҳолати бўйича харакатдаги таркибнинг рухсат этилган қийматлар доирасида энг юқори тезликда хавфсиз харакатланишини таъминлаши лозим.

10. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулоти:

а) харакатдаги темир йўл таркиби габаритига риоя қилинишини;

б) иморатларга яқинлашиш габаритига риоя қилинишини;

в) иқлим, геофизик ва механик ташқи таъсирларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш шартлари бажарилишини;

г) темир йўл транспорти инфратузилмаси ва ушбу инфратузилмада фойдаланилаётган бошқа харакатдаги темир йўл таркибига техник жиҳатдан мосликни;

д) гилдираклар издан чиқиб кетишига қарши бардошлиликни;

е) йўлнинг оғма участкаларида харакатдаги таркибнинг ағдарилиб кетишига қарши бардошлиликни;

ж) тўхтаб туриш жойидан ўз-ўзидан харакатланишнинг олдини олишини;

з) харакатдаги таркибнинг динамик кучланишини узатиш учун тортиш ва тормозлаш режимларида уланишини;

и) рухсат этилган тормозлаш йўлини;

к) темир йўлга тушадиган юкламанинг, максимал куч таъсирининг, ҳисоб-китобларга кўра ўққа тушадиган юкламаларнинг ошиб кетмаслигини;

л) харакатдаги таркибнинг таркибий қисмлари темир йўлга тушиб кетишининг олди олинишини;

м) тортиш кучи, тормозлаш ва тезланиш қийматларининг йўл қўйилган чегаравий кўрсаткичларга мувофиқлигини;

н) санитария-эпидемиологик, экологик ва гидрометеорологик хавфсизликни;

о) асбоб ва жиҳозларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш қисмида электр жиҳозларнинг электромагнит мослашувчанлигини;

п) электр жиҳозларнинг темир йўл транспорти инфратузилмасининг темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси, темир йўл электр алоқаси қурилмалари билан электромагнит мослашувчанлигини;

р) ёнғин хавфсизлиги талабларининг бажарилишини;

с) юкланишнинг йўл кўйилган режимларида ва таъсирларда мустаҳкамликни;

т) бўйлама ва кўндаланг ҳисобланган динамик юкламаларни қўллашда пластик шакл ўзгаришларининг бўлмаслигини;

у) юкланишнинг кам цикли ва кўп цикли режимларида толиқишига қаршиликни;

ф) фойдаланиш режимларининг барча диапазонларида (электр таъминотининг номинал ва чегаравий режимларида) электр жиҳозлари ишининг хавфсизлиги ва ишончлилигини;

х) ҳаракатдаги таркиб таркибий қисмларида уларнинг ўзаро бир-бирига ҳамда конструкторлик ҳужжатларида назарда тутилмаган темир йўл транспорти инфратузилмасининг элементларига тегиб кетиш жойлари бўлмаслигини;

ц) темир йўлларнинг эгри чизиқли участкаларида ҳаракатдаги темир йўл таркибининг уланишини;

ч) энергетик самарадорлик талабларига мувофиқликни таъминлаши лозим.

11. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштиришда лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) инсонлар ҳаёти ҳамда соғлиғига, жониворларга, ўсимликларга зарарли ва (ёки) хавфли таъсирларнинг экология соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган йўл қўйилиши мумкин бўлган даражасини таъминлайдиган ечимларни танлаши лозим.

12. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулотининг лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) томонидан танланган конструкциялари тайинланган хизмат муддати ва (ёки) ресурси, тайинланган сақлаш муддати даврида хавфсиз бўлиши, шунингдек, фойдаланиш жараённida улар учраши мумкин бўлган таъсирлар ва юкламаларга чидамли бўлиши лозим.

13. Ҳаракатдаги таркиб ҳамда унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштиришда лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) ҳаракатдаги таркибнинг тўқнашуви ва (ёки) издан чиқиши ҳолатларида хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни ҳимоя қилиш учун авария ҳолатида крэш-тизимларни назарда тутиши лозим.

14. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштиришда лойиҳаловчи (ишлаб чиқувчи) зарур ҳолларда, темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари ва темир йўл маҳсулоти фаолиятининг хавфсизлигини таъминлайдиган дастурий воситаларни назарда тутиши лозим.

15. Ҳаракатдаги таркиб ва унинг таркибий қисмлари конструкциясига, шунингдек, темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг курилиш лойиҳа ҳужжатларига ўзгартишлар киритишда ушбу Техник регламентда назарда тутилган ва лойиҳалаштириш пайтида белгиланган хавфсизлик талаблари пасайтирилмаслиги керак.

16. Темир йўл маҳсулотининг конструкциясига ёки уни ишлаб чиқариш технологиясига хавфсизликка таъсир кўрсатувчи ўзгаришилар киритилган ҳолларда, ушбу Техник регламентнинг 5-бобида белгиланган тартибда темир йўл маҳсулотининг мувофиқлиги мажбурий равишда тасдиқланиши лозим.

17. Темир йўл маҳсулотидан ҳосил бўладиган электромагнит шовқинлар даражаси, ушбу шовқинлар темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари, бошқа темир йўл маҳсулоти, шунингдек, ҳаракатдаги таркибининг иш қобилиятига таъсир қилмайдиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

18. Куйи тизимлар таркибий қисмларининг хавфли элементларидан фойдаланиш тўхтатилганидан кейин улардан фойдаланиш эҳтимолининг олдини олиш мақсадида темир йўл маҳсулоти учун утилизация қилиш тартиби назарда тутилиши лозим.

19. Темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари ва темир йўл маҳсулоти фойдаланишга топширилишидан олдин лойиҳалаштириш хужжатларида назарда тутилган жойларда хавфлар ҳамда хавфсиз фойдаланиш шартлари тўғрисидаги огоҳлантирувчи ёзувлар ёзиб кўйилган ва (ёки) белгилар ўрнатилган бўлиши лозим.

20. Темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари ва темир йўл маҳсулотини фойдаланишта топширишда фойдаланиш ҳамда таъмирлаш хужжатлари тўплами бўлиши шарт.

21. Темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштириш, қуриш ҳамда фойдаланишга топширишда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик хужжатлари талаблари бажарилиши лозим.

22. Темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштиришда атроф-муҳитга антропоген таъсирнинг рухсат этилган меъёрлари ҳисобга олиниши, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ҳамда ишлаб чиқариш ва майший чиқиндиларни жойлаштириш усуслари назарда тутилиши, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни қайта тиклаш, шунингдек, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳамда уларни қайта тиклашга ёрдам берадиган ресурс тежовчи, кам чиқиндили, чиқиндисиз ва бошқа замонавий технологиялар кўлланиши лозим.

23. Темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари ва темир йўл маҳсулотини қуриш вақтида қонунчилик хужжатларига мувофиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни қайта тиклаш, ерларни рекультивация қилиш ва худудларни кўкаламзорлаштириш бўйича чоралар кўрилиши лозим.

24. Темир йўл инфратузилмаси обьектлари ва темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топширишда ёввойи ҳайвонларнинг кўчиб ўтиш йўллари ва доимий яшаш жойлари (шу жумладан, болалаш ҳамда қишлиш даврида) сақлаб қолинишини таъминлаш бўйича чоратадбирларни (эстокада, кўприк, виадук, еости ёки ерусти ўтиш жойлари ва бошқалар) назарда тутиш ҳамда амалга ошириш лозим.

25. Ҳаракатдаги таркиб, унинг ускуналари жойлашуви ва монтажи фойдаланиш, кўриқдан ўтказиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш чоғида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлаши лозим.

Ҳаракатдаги таркибда ундан фойдаланиш, уни кўриқдан ўтказиш, таъмирлаш, унга техник хизмат кўрсатишда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсизлигини таъминлайдиган маҳсус зинапоя, тутқич ёки мосламалар бўлиши лозим.

26. Ҳаракатдаги таркиб бошқаруви, назорат ва хавфсизлик тизимлари унинг фойдаланиш бўйича кўлланмасида назарда тутилган барча иш режимларида ҳамда барча ташқи таъсирлар чоғида ишлаш қобилиятини таъминлаши лозим.

Ҳаракатдаги таркибни бошқариш ва назорат тизимлари хизмат кўрсатувчи ходимлар йўл қўйиши мумкин бўлган мантикий хатоларда хавфли вазиятлар юзага келишини истисно этиши лозим.

27. Бошқарув, назорат ва хавфсизлик тизимлари ҳаракатдаги таркиб ва унинг таркибий қисмлари соз ҳолатининг хавфсизликка таҳдид солувчи ҳолатларга олиб келиши мумкин бўлган бузилишлари ҳақида огоҳлантирадиган сигнализация ҳамда ахборот узатувчи воситаларни ўз ичига олиши лозим.

28. Ҳаракатдаги таркибининг ўзига ўрнатиладиган, шунингдек, материал ташувчиларда етказиб бериладиган дастурий воситалар:

а) техник воситаларнинг носозликлари ва (ёки) ишдан чиқишилари сабабли қайта ишга туширилгандан сўнг ишлаш қобилияти ҳамда ўзининг носозликларида яхлитлигини сақлаб қолиши;

б) маълумотни саклаш, киритиш, қайта ишлаш ва чиқариб олиш чоғида компьютер вирусларидан, рухсатсиз фойдаланиш эҳтимолидан, ишдан чиқиш, хатолик ва носозликлар оқибатларидан, ахборот тасодифан ўзгариши эҳтимолидан ҳимояланганликни;

в) илова қилинган хужжатларда баён қилинган хусусиятлар ва таърифларга мувофиқликни таъминлаши лозим.

29. Ҳаракатдаги таркиб дастурий таъминотнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги декларацияда кўрсатилган версиядаги дастурий таъминотга эга бўлиши лозим.

30. Ҳаракатдаги таркибни бошқариш, назорат қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш тизими электр, гидравлик ва (ёки) пневматик қисмлар аппаратларининг носозликлари, дастурий таъминотнинг ишдан чиқиши, тортиш узатмаси ва бошқа жихозларнинг ишлаши ҳолатларида ҳаракатдаги таркибининг хавфсиз ҳолати бузилишига олиб келиши мумкин бўлган хусусиятлар ва иш режимларининг ўзгаришига йўл қўймаслиги керак.

Хавфсизликни таъминловчи борт ускуналари соз ҳолатда ишлаётганда бошқарув тизимининг ишдан чиқиши ҳаракатдаги таркибининг тўхтаб қолишига ва унинг лойиҳа бўйича хусусиятлари бузилишига олиб келмаслиги лозим.

31. Ҳаракатдаги таркиб бошқарувини таъминлайдиган асбоб-ускуналар:

- а) конструкторлик ҳужжатларига мувофиқ равишда ёзув ва (ёки) рамзлар билан таъминланган бўлиши;
- б) беихтиёр ёқилиши, ўчиб қолиши ёки қайта ўчиб-ёниши эҳтимоли истисно қилинган тарзда лойиҳалаштирилган ва жойлаштирилган бўлиши;
- в) бажариладиган функцияларнинг аҳамияти, фойдаланиш кетма-кетлиги ва частотаси ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилган бўлиши лозим.

32. Ҳаракатдаги таркиб куйидаги ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

- а) поезд радиоалоқаси;
- б) кириш ва чиқиш светофорларига, темир йўл кесишмалари ва станцияларига яқинлашганда ҳаракатланиш тезлигини назорат қилишни ҳамда нутқий ахборотни олиш (узатиш) имкониятини таъминловчи автоматлаштирилган бошқарув тизими;
- в) ҳаракатланиш параметрларининг регистраторлари;
- г) локомотив автоматик сигнализацияси;
- д) электропневматик тормоз;
- е) “йўловчи-машинист” алоқаси;
- ж) эшиклар ёпилишини назорат қилиш сигнализацияси;
- з) автоматлашган ёнғин сигнализацияси.

33. Ҳаракатдаги таркибнинг бош вагонлари ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга ёрдам берувчи сунъий йўлдош навигация ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

34. Ҳаракатдаги таркибнинг хавфсизликни таъминловчи борт ускуналари:

- а) станция ва перегонларда диспетчерлик марказлаштириш ҳамда диспетчерлик назорати тизими, сигнализация тизимлари, сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш тизимларидан, шунингдек, бошқа ҳаракатдаги таркибнинг хавфсизлик борт ускуналаридан поезд ҳолатига оид сигналларни қабул қилиш;
- б) ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланиш параметрлари аникланишини;
- в) ҳаракатдаги таркиб ҳаракатланиши тўғрисидаги маълумотлар қайд этилишини;
- г) ҳаракатдаги таркиб тизим ва ускуналари диагностикасини, шу жумладан, ўзини ўзи диагностика қилишни;
- д) электропневматик тормозлаш бошқарилишини;
- е) ҳаракатдаги таркибнинг ўз-ўзидан ҳаракатланиши назоратини;
- ж) машинист хушёrlигининг даврий назоратини;

3) ҳаракатдаги таркибнинг маълумотлар узатиш бўйича умумий канали орқали, шу жумладан, ҳаракатдаги таркибда жойлашган алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда ахборот алмашинуви таъминланишини;

и) машинистга ахборот етказилишини;

к) ҳаракатдаги таркибни машинист томонидан бошқариш имконияти йўқотилган ҳолатларда ҳаракатдаги таркиб автоматлашган тарзда тўхташини таъминлаши лозим.

35. Ҳаракатдаги таркиб машинисти кабинасининг конструкцияси қўйидагиларни таъминлаши лозим:

а) “ўтириш” ва “тик туриш” ҳолатидаги локомотив бригадасига ҳаракатланиш йўли, пол устки сигналлари, қўшни йўллар, таркиблар ва контакт тизимини ҳеч қандай тўсиқларсиз кўришни;

б) вагонлар таркибига яқинлашганда “тик туриш” ҳолатида локомотив бригадаси ходимларидан бирининг ҳамда манёврларда иштирок этаётган ходимлар иш зонасининг кўринишини;

в) йил ва сутканинг ҳар қандай вақтида, ҳар қандай об-ҳаво шароитида, ҳаракатнинг барча тезликларида машинист кабинасидан ҳеч қандай тўсқинликсиз кўринишини таъминлаши лозим.

36. Ҳаракатдаги таркиб машинист кабинасининг олд ойналари ишончли маҳкамланган ва зичлаштиргичларга эга бўлиши лозим.

37. Ҳаракатдаги таркиб машинисти кабинасининг жойлашув режаси, локомотив бригадаси иш жойи, бошқариш асбоблари ва ускуналари, ахборотни акс этириш тизимларининг жойлашуви, машинист ўриндининг конструкцияси эргономика ва тизим техникаси талабларига жавоб бериши лозим.

Бошқарув пульти ҳамда машинист ва унинг ёрдамчиси иш жойини лойиҳалаштиришда, “тик туриш” ва “ўтириш” ҳолатларида бошқариш қулайлигини таъминловчи эргономика талаблари инобатга олиниши лозим.

Бошқарув асбоб-ускуналари, ўлчаш асбоб-ускуналари, бошқарув пультидаги нурли индикаторлар жойлашуви ва конструкцияси кундузги ва тунги вақтда нурнинг тўғридан-тўғри тушиши ёки акс этишидан ҳосил бўлувчи шуъалар мавжуд бўлмаганда, кўрсатиб ўтилган асбоб-ускуналар кўрсаткичларининг тиник кўринишини таъминлаши лозим.

Машинист кабинасидаги ёруғлик параметрлари, ўлчаш асбоб-ускуналари шкаалаларининг ёрқинлиги рухсат этилган кўрсаткичлар чегарасида бўлиши лозим.

38. Ҳаракатдаги таркиб умумий, маҳаллий ва авария ҳолатида ёритиш тизимлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Авария ҳолатида ёритиш тизими асосий таъминот манбаида кучланиш бўлмаганда автоном таъминот манбаига (аккумулятор батареясига) автоматик тарзда ўтиши лозим. Бунда авария ҳолатида ёритиш тизимини кўлда ёкиш имконияти назарда тутилган бўлиши лозим.

39. Ҳаракатдаги таркибнинг машинист кабинасини ёрдамчи мосламалардан фойдаланган ҳолда ён деразалар орқали фавқулодда тарк этиш имконияти назарда тутилган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги таркиб вагоннинг ҳар бир томонидан авария ҳолатида чиқиш жойлари билан жиҳозланган бўлиши ҳамда зарур ҳолларда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни авария ҳолатида эвакуация қилиш воситаларига эга бўлиши лозим.

Авария ҳолатида чиқиш жойини очишга битта одамнинг кучи етарли бўлиши лозим.

40. Ҳаракатдаги таркибнинг хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар учун мўлжалланган ички хоналари дераза ойналари тўхтаб турганда ёки ҳаракатланиш йўлида ҳаракатдаги таркибга зарбли таъсиrlар бўлган вазиятларда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминлаши лозим.

41. Ҳаракатдаги таркибнинг кўздан кечириш, созлаш ва техник хизмат кўрсатиши талаб қилувчи ички қисмлари ҳамда зарур ҳолларда ташқи ишчи ускуналари қўшимча равишда ёритиш имкониятига эга бўлиши лозим.

42. Ҳаракатдаги таркиб тормозлаш пайтида секинлашиши ёки ҳисобланган тормозлаш йўли чегарасида тўхташни таъминловчи автоматик тормозлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги таркибнинг автоматик тормозлари фойдаланишининг турли шароитларида зарур функционаллик ва ишончлилик жиҳатларига эга бўлиши, бир маромда тормозлашни таъминлаши, шунингдек, тормоз магистралি бутлиги бузилганда ёки ҳаракатдаги таркиб бирликларининг рухсатсиз узилишида ҳаракатдаги таркибнинг тўхташини таъминлаши лозим.

43. Автоматик тормозлар ҳаракатдаги таркибнинг узунлигига ва темир йўл профилига қараб тормозлашнинг турли хил режимларини қўллаш имкониятини таъминлаши лозим.

44. Ҳаракатдаги таркибдаги стоп-кранлар йўловчи вагонларининг ичкарисида ўрнатилиб, пломбаланган бўлиши лозим.

Стоп-кран ишлаб кетган вақтда уни йўловчилар томонидан ўчириш имконияти истисно этилиши лозим. Поезд бригадаси стоп-кран ишлаб кетганлиги тўғрисида овозли ва визуал кўринишда хабардор қилиниши лозим. Йўловчи вагонлардаги стоп-кранларни машинист кабинасидан блоклаш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

45. Ҳаракатдаги таркиб тўхтаб туриш тормозлари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги таркибнинг тўхтаб туриш тормозлари ҳисоб-китобларга кўра тормозлашни ва ҳаракатдаги таркиб бирлигини йўл кўйиладиган қийматлар чегарасида ушлаб туришни таъминлаши лозим.

Тўхтаб туриш кўл тормози штурвали, штурвалнинг ўз-ўзидан айланишини истисно қилувчи ускуна билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Автоматлашган тұхтаб туриш тормозлари күлланилишига йўл қўйилади.

46. Узилиши ёки синиши натижасида темир йўлга тушиб кетишига ёки ҳаракатдаги таркиб габаритдан ташқарига чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳаракатдаги таркибининг таркибий қисмлари улар ҳимоя қилаётган жиҳозларнинг оғирлигини йўл қўйилган қийматлар доирасида кўтара оладиган сакловчи ускуналарга эга бўлиши лозим.

47. Ҳаракатдаги таркибининг асосий ҳаво резервуарлари ва аккумулятор батареялари машинист кабинаси, йўловчи ташиш салонлари ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун мўлжалланган хоналарнинг ташқарисида ўрнатилиши лозим.

48. Ҳаракатдаги таркиб электродинамик тормозининг (мавжуд бўлганида) ҳаракати хизмат доирасида ёки шошилинч тормозлашда пневматик ва электропневматик тормозлар иши билан мувофиқлашган бўлиши лозим. Электродинамик тормоз ишдан чиққанда унинг автоматлашган равишда пневматик тормоз билан алмаштирилиши таъминланиши лозим.

49. Ҳаракатдаги таркибда тормозлари самарадорлигини ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар (масалан, дискли, магнит рельсли тормозларни кўллаш) назарда тутилган бўлиши лозим.

50. Ҳаракатдаги таркиб ҳаракатдаги темир йўл таркибининг ўз-ўзидан ажралиб кетишини истисно қиласиган ва фавқулодда вазиятларда унинг эвакуация қилинишини таъминлайдиган улаш ускунаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Автоулагич жиҳози таркибида энергия ютувчи аппарат бўлиши лозим.

51. Ҳаракатдаги таркиб ғилдирак жуфтликларининг ғилдираклари, ўқи ва бандажи конструкторлик хужжатларига мувофиқ тўлиқ текширувдан ўтказиш ёки хизмат муддатининг даврлари давомида нуқсонларнинг (ёриклар) юзага келиши ва ривожланишига барқарорликни таъминлайдиган статик қувват захирасига ва толикишга қарши зарур коэффициентга эга бўлиши лозим.

Ғилдираклар, ўқи ва бандажларнинг механик хоссалари, зарб кучи ва қолдиқ таранглик ҳолати тайинланган хизмат муддати давомида уларнинг механик хавфсизлигини таъминлаши лозим.

52. Ҳаракатдаги таркиб ва унинг таркибий қисмларини лойиҳалаштириш ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган материаллар ва моддалар одамлар ҳамда атроф-мухит учун хавфсиз бўлиши лозим.

53. Ҳаракатдаги таркиб машинист кабиналарининг, ҳаракатдаги таркиб ички хоналарининг микроиқлим кўрсаткичлари, шовқин, инфратовуш, тебраниш, ультратовуш даражаси, электромагнит нурланиш, ёритиш, ҳаво таркиби кўрсаткичлари иш ўринлари учун рухсат этиладиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

Ҳаракатдаги таркибининг ташқи шовқини рухсат этиладиган қийматлардан ошмаслиги лозим.

54. Ҳаракатдаги таркиб ва унинг таркибий қисмларини ишлаб чиқариш, улардан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш жараёнида суюқликлар (кислота, ишқор, суюлтирилган газлар) ва ёқилғимйлаш моддаларини қўллаш инсонларнинг ҳаёти ҳамда соғлиғига, жониворлар ва ўсимликларга хавфли таъсирларнинг юзага келишига олиб келмаслиги лозим.

55. Ҳаракатдаги таркибнинг зинапоялари ва тутқичлари ишончли маҳкамланган бўлиши лозим. Зиналар, майдонлар, зинопоялар ва настиллар юзаси сирпанишга тўсқинлик қилиши лозим.

56. Ҳаракатдаги таркибнинг конструкциясида домкрат билан кўтариш учун маҳсус жойлар инобатга олинган бўлиши лозим. Домкратнинг бош қисми билан тулашишга мўлжалланган сирт сирпанишга тўсқинлик қилиши лозим.

Фидирак жуфтликлари рельсдан чиқиб кетган ҳолларда ҳаракатдаги таркибнинг ҳар бир бирлигини кранлар ва домкратлар билан кўтариш имконияти, шунингдек, фидирак жуфтликлари сиқилиб қолганда уларни ташиш имконияти инобатга олинган бўлиши лозим.

57. Ҳаракатдаги таркиб ва унинг таркибий қисмлари конструкцияси ҳамда жиҳозларининг ташқарига чиқиб турувчи деталлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчиларни жароҳатлайдиган ўткир ёнлар, қирралар ҳамда бурчакларга эга бўлмаслиги лозим.

58. Ҳаракатдаги таркиб вагонларининг салонлари, ҳаракатдаги таркибнинг машинист кабинаси ички юзаларини пардозлаш ишлари учун фойдаланиладиган материаллар ва моддалар ёнгин келиб чиқиши ва ривожланиши ҳамда ёнгин хавфли омилларининг инсонларга таъсир кўрсатиши хавфи даражасининг йўл қўйиладиган қийматларидан ошмаслиги керак.

Йўловчи вагонларида вагон кузатувчилари купелари мавжуд бўлса, вагон кузатувчилари купеси ва йўловчилар салони ораси, купели вагонларда эса купелар ораси ёнгинни ушлаб қолувчи тўсиқлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Купесиз вагонларнинг шифт усти ва купели вагонлар катта (асосий) йўлагининг шифт усти ёнгинни ушлаб қолувчи тўсиқларни ўрнатиш йўли билан камида учта зонага ажратилган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги таркибнинг машинист кабинаси ҳаракатдаги таркибнинг қолган қисмидан ёнгинни ушлаб қолувчи тўсиқлар билан тўсилган бўлиши лозим.

59. Ҳаракатдаги таркибда хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчиларнинг ўтиш йўлаклари бўйлаб вагондан вагонга хавфсиз ўтиши таъминланиши лозим. Ўтиш майдончаларининг конструкцияси ёпиқ турда бўлиши лозим, яъни хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчиларнинг ҳаракатдаги таркибнинг ташқи элементлари, темир йўл транспорти инфратузилмасининг контакт тармоғи, йўл изининг устки тузилиши ва шу каби бошқа элементлари билан тасодифий алоқа қилиш эҳтимолини истисно қилиши, шунингдек, хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчилар ўтиш майдонида бўлганда, уларга нисбатан атроф-муҳит омилларнинг салбий таъсирини камайтириши лозим.

60. Ҳаракатдаги таркиб ўриндиқ ва диванлари полга мустаҳкам маҳкамланган бўлиши ва конструкцияси уларнинг ағдарилиб кетиши (шу жумладан, шошилинч тормозланиш вақтида) эҳтимолини истисно этиши керак.

Йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шахсий юкларини жойлаштириш ҳамда сақлаш жойлари шундай ҳисоб-китоблар билан жойлаштирилган бўлиши лозимки, бунда шошилинч тормозлаш ва (ёки) фавқулодда эвакуация пайтида йўловчилар ҳамда хизмат кўрсатувчи ходимларга улар томонидан шикаст етказилмаслиги лозим.

Ҳаракатдаги таркиб вагонларининг жойлашув режаси, йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун ўриндиқларнинг жойлашув схемаси эргономика ва тизим техникаси талабларига жавоб бериши лозим.

61. Ҳаракатдаги таркибда мавжуд дизель жиҳозлари, электр машиналари, вентиляторлар, компрессорлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг айланадиган қисмлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва йўловчиларнинг ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланадиган қисмларига тасодифан тегиб кетишини истисно килувчи маҳсус қурилмалар билан тўсилган бўлиши лозим.

62. Ҳаракатдаги таркибнинг электр жиҳозлари ортиқча юкланишда, қисқа туташгувларда, ерга уланишнинг туташгувларида, электр жиҳозларининг ортиқча кучланишида, шунингдек, рекуператив тормозлаш, ғилдирак жуфтликларининг жойида сирғаниши ва айланмасдан силжиб кетиши пайтидаги контакт тармоғидаги кучланишни ечишда ишлаб кетувчи ҳимоя ва сигнализацияга эга бўлиши лозим. Ҳимоянинг ишга тушиши электр жиҳозларининг шикастланишини истисно этиши ва хавфли оқибатларга, яъни туташ ёки ёнгинга олиб келувчи рухсат этилмайдиган қизиб кетишга ва (ёки) электр жиҳозлари изоляциясининг тешилишига олиб келувчи ортиқча кучланишларга олиб келмаслиги лозим.

63. Ҳаракатдаги таркибнинг кучланиш остида бўлган электр жиҳозларининг ҳимояланмаган (изоляцияланмаган) қисмлари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар уларга тасодифан тегиб кетишининг олдини олувчи ҳимояга эга бўлиши лозим.

Электр жиҳозларининг металл қобиқлари, шунингдек, носозлигига рухсат этилган қийматлардан каттароқ кучланиш остида бўлиб қолиши мумкин бўлган барча тўсиклар (шу жумладан, қувурлар), ток ўтказувчи қисмларни маҳкамлаш учун конструкциялар ҳаракатдаги таркибнинг корпусига, ерга уланиши лозим.

64. Ҳаракатдаги таркиб электр ҳимоя воситалари тўпламини сақлаш учун маҳсус жойлар, шунингдек, ҳаракатдаги таркибдан хавфсиз фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган бошқа маҳсус ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

65. Ҳаракатдаги таркиб ва унинг таркибий қисмлари юзага келтириб чиқараётган электромагнит шовқинлар даражасининг кўрсаткичлари темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари ва унда фойдаланилаётган ҳаракатдаги таркибнинг иш самарадорлигига ушбу шовқинлар таъсир қилмайдиган чегарадаги қиймат кўрсаткичларидан ошмаслиги лозим.

66. Ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланишида юзага келадиган асосий ҳаво тўлқинининг ортиқча босими ва электрсизланиши йўловчи платформаларида ёки темир йўл яқинида бўлган йўловчиларга хавфли таъсир кўрсатмаслиги лозим.

67. Аккумулятор қутиси портлаш хавфидан холи бўлиши лозим.

68. Ҳаракатдаги таркиб ёнғин сигнализацияси тизимлари, ўт ўчириш курилмалари, ўт ўчириш ускуналарини жойлаштириш учун маҳсус жойлар, ёнғинга қарши ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ёнғин сигнализацияси тизимлари ёнғин содир бўлган жойни кўрсатган ҳолда акустик ва (ёки) оптик ахборот бериши, қабул қилиш-назорат курилмаси билан хабар берувчиларнинг алоқа линияларидағи носозликларни (қисқа туташув, узилиш) автоматик ҳолда аниқлаши, шунингдек, уларнинг созлигини мунтазам баҳолаш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

69. Ҳаракатдаги таркиб қўйидаги курилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

а) кондиционер тизими (иситиш, совитиш, шамоллатиш), чекиш жойлари ҳавони рециркуляциясиз хонадан ташқарига чиқариб юборадиган алоҳида шамоллатиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим;

б) поезд ички телефон алоқаси;

в) буksалар қизиб кетишини назорат қилиш тизими;

г) ичимлик ва хўжалик сув таъминоти тизими;

д) экологик тоза ҳожатхона мажмуалари.

70. Ҳаракатдаги таркибнинг вагонлари бевосита йўловчи ташиш салонларида жойлашган, йўловчилар локомотив ёки поезд бригадаси билан алоқа ўрнатиши учун мўлжалланган ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

71. Ҳаракатдаги таркиб вагонларининг кириш эшиклари хизмат кўрсатувчи ходимлар ва (ёки) йўловчилар хавфсизлигини таъминлайдиган очилиш (ёпилиш) тизимлари (курилмаси) ва назорат тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги таркиб вагонларининг кириш эшиклари поезд ҳаракатланаётганда уларни йўловчилар ёки бегона шахслар томонидан очилишини истисно этувчи кулфлаш курилмалари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

72. Ҳаракатдаги таркиб вагонларининг кириш эшиклари авария ҳолатида штат схемасига мувоғиқ очилиб, ушбу ҳолатда қолиши лозим. Авария ҳолатида ҳаракатдаги таркиб тезлиги рухсат этилган қийматлар доирасида бўлганда тираб очиладиган кириш эшиклари кўл режимида очилиши лозим.

73. Ҳаракатдаги таркиб ногиронлиги бўлган шахслар ва ёш болали йўловчилар учун мўлжалланган жойлар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

74. Ҳаракатдаги таркибнинг ҳаракатланиш имкониятлари чекланган фуқаролар учун мўлжалланган йўловчи вагонлари қуидаги курилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим:

- а) ногиронлиги бўлган шахслар аравачасини тез кўтариш, тушириш ва ишончли маҳкамлашга мўлжалланган ускуналар;
- б) кенгайтирилган майдонга эга бўлган маҳсус санузеллар;
- в) кенгайтирилган ўтиш жойлари.

75. Ҳаракатдаги таркиб визуал ва овоз сигнал ускуналари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

76. Ҳаракатдаги таркиб бош вагонларининг олд қисмлари пројектор ҳамда ўнг ва чап томонларидан иккита буфер сигнал чироқлари билан жиҳозланиши лозим.

Пројектор ҳаракатдаги таркиб бош вагони симметрияларининг кўндаланг ўки бўйлаб ўрнатилиши лозим. Пројекторнинг бўйлама нури темир йўлнинг горизонтал текислигига параллель равишда йўналтирилиши лозим. Пројекторни ёкиш схемаси ёруғликнинг номинал бўйлама кучини таъминлайдиган ёрқин чироқни ва хира чироқни ёкиш имкониятини назарда тутиши лозим.

Ҳаракатдаги таркиб ҳаракатланаётганда пројектор ишини захиралаш имконияти таъминланган бўлиши лозим.

77. Ҳаракатдаги таркиб овозли сигнал мосламалари – баланд овозли (тифонлар) ва паст овозли (хуштак) мосламалар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Тифон ва хуштакни ёкиш мосламаси машинист ва ёрдамчи машинистга оптималь яқин масофада жойлашган бўлиши лозим. Ҳаракатдаги таркибнинг овозли сигналларини назорат қилиш тизими такрорланиши, яъни механик таъсир йўли билан тифоннинг ҳаво клапанини бевосита тўғридан-тўғри бошқариш ускуналарини ўз ичига олиши лозим.

78. Ҳаракатдаги таркибнинг ток қабул қилувчи ускунаси контакт симининг ишқаланиш юзасидан пастда жойлашган тўсиқларга урилганда, ток қабул қилувчи ускунани авария ҳолатида тушириш қурилмаси билан жиҳозланган бўлиши лозим.

Ҳаракатдаги таркиб ток қабул қилувчи ускунаси ёйини контакт симига тушадиган юкининг аэродинамик қийматининг статик кучига нисбати рухсат этилган қийматлардан ошмаслиги лозим.

79. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўлларга, темир йўллар таркибий қисмларига ва темир йўллар таркибий қисмларининг элементларига қуидаги талаблар белгиланади:

- а) темир йўлларнинг барча таркибий қисмлари (ер кўтармаси, темир йўлларнинг ер устки қурилмалари ва бошқалар) ва темир йўл таркибий қисмларининг элементлари (рельслар, стрелкали ўтказгичлар, рельс маҳкамлагичлари, шпаллар, баласт ва бошқалар) мустаҳкамлиги, юк кўтариш қобилияти ва чидамлилиги жиҳатидан ҳаракатдаги таркибнинг рухсат этилган қийматлар доирасида энг юқори тезликда хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим;

б) темир йўлларнинг ер устки курилмалари ва ер кўтармаси темир йўлларнинг режадаги ҳамда бўйлама профилдаги ҳолати барқарорлигини таъминлаши лозим. Эгриликларнинг геометрик параметрлари ҳаракатдаги таркибнинг ғилдираклар рельсдан чиқиб кетишига ва ағдарилишга тўсқинлик қилувчи барқарорлигини таъминлайдиган ҳолатда белгиланиши лозим;

в) темир йўллар сув оқимлари ва сув ҳавзалари бўйлаб жойлашганда сув ўтказувчи иншоотларга яқинлашишда йўл четининг сатхи, шунингдек, мустаҳкамловчи қирғокларнинг юқори қисми белгилангандан миқдордан ошиб кетиши эҳтимоли асосида ҳисобланган энг юқори сув сатҳидан кўтарилиши керак;

г) улоқсиз темир йўл конструкцияси поезд ва ҳарорат юкламасининг бир вақтдаги таъсирида рельс-шпалли панжаралар отилиб чиқишига йўл кўймаслиги лозим;

д) сунъий иншоотлар темир йўлларга ҳамда иншоотларнинг ўзига хавфсиз хизмат кўрсатишига мўлжалланган ускуналарга (йўлаклар, панжарали бошпаналар, кўприк тўшамаси, токчалар, камералар, зинапоялар, туткичли тушиш жойлари, маҳсус кузатув ускуналари ва мосламалари, огоҳлантирувчи сигнализация ва бошқалар) эга бўлиши лозим;

е) стрелкали ўтказгичлар ҳаракатдаги таркиб ҳаракатланаётганда крестовиналар (темир йўл изларининг поездни бир йўлдан бошқа йўлга ўтказиб юборадиган қисми) ўткир учларининг (остряклар) ва ҳаракатланувчи қисмларининг белгиланмаган ҳаракатларини олдини олишга мўлжалланган ускуналарга эга бўлиши лозим;

ж) туннеллар кўндаланг кесимининг геометрик ўлчамлари ва конструктив ечимлари ҳаракатдаги таркибнинг туннелга кириши ҳамда туннелда ҳаракатланиши пайтида юзага келадиган ортиқча аэродинамик босим миқдорининг камайтирилишини ҳисобга олган ҳолда белгиланиши лозим;

з) темир йўл таркибий қисмларини ўз ичига олган темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларини лойиҳалаштиришда, шунингдек, темир йўлларнинг таркибий қисмлари элементларини ўз ичига олган темир йўл маҳсулотини лойиҳалаштиришда туннелларда, ёпиқ чукурликларда ва еости станцияларида ҳаракатдаги таркиб максимал тезликда ўтаётганда аэродинамик босимнинг ўзгаришларини камайтириш бўйича қарор қабул қилиш учун маҳсус тадқиқотлар ўтказилиши лозим;

и) туннелдаги заарли моддаларнинг таркиби атмосфера ҳавосидаги рухсат этилган максимал концентрациядан ортиқ бўлмаслиги лозим;

к) темир йўлларни лойиҳалаштириш ва қуришда уларнинг автомобиль йўллари ҳамда шаҳар йўловчи транспорти линиялари билан кесишмалари бир хил даражада бўлишига йўл кўйилмайди;

л) темир йўлларнинг темир йўл транспорти инфратузилмаси таркибига кирадиган ва кирмайдиган, турли мақсадларга мўлжалланган кувурлар билан ерусти ёки еости (ер кўтармаси ости) усулларида кесишишига йўл кўйилади, бунда кувурлар белгилангандан узоқликда ва чукурликдаги (ерости усулида) химоя

кувурига ёки туннелга жойлаштирилиши лозим. Кўтармаларда кувур ўтказмаларини ўрнатишга йўл қўйилмайди. Темир йўллар ерусти қувурлари билан кесишганда иншоотларга яқинлашиш габаритига риоя этилиши лозим. Кўрсатиб ўтилган кесишмаларни жойлаштириш темир йўл транспорти инфратузилмасининг эгаси билан келишилади;

м) одамлар учун ўтиш жойлари, чорва молларини ҳайдаш ҳамда ёввойи ҳайвонларни кўчириш жойлари темир йўлларга нисбатан турли сатхларда лойиҳалаштирилади ва жиҳозланади;

н) ён йўлдаги стрелкали ўтказгич орқали ҳаракатланаётган ҳаракатдаги таркибнинг белгиланган ҳаракат тезлиги рухсат этилган қийматлардан ошадиган кўндаланг тезланишларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмаслиги лозим;

о) ҳаракатдаги таркиб ўтаётганда темир йўл яқинида жойлашган аҳоли пунктлари, бинолар ва иншоотлар учун тебраниш даражаси рухсат этилган қийматлардан ошмаслиги лозим;

п) темир йўлга яқин жойлашган иншоотлар ва қурилмалар (шовқиндан ҳимоя қилиш деворлари ва бошқалар) ҳаракатдаги таркиб ўтаётганда хизмат кўрсатувчи ходимларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган пана жойларга эга бўлиши лозим;

р) темир йўл ҳаракатдаги таркибдан тарқалаётган шовқин даражасини рухсат этилган қийматларгача камайтириш учун мўлжалланган шовқинлардан ҳимоя қилувчи қурилмалар ва ускуналар билан жиҳозланган бўлиши лозим;

с) бегона одамлар ва ҳайвонларнинг темир йўлларга рухсатсиз кириб боришига йўл қўймаслик мақсадида темир йўл узунлиги бўйлаб тўсилган бўлиши лозим;

т) темир йўлларнинг тўсиқлари одамлар ва ҳайвонларнинг темир йўлларга рухсатсиз кириб боришига уринишларини аниқловчи техник воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим;

у) ҳаракатдаги таркибнинг ағдарилишига ва рельслардан чиқишига олиб келиши мумкин бўлган ён томондан урадиган кучли шамолли участкаларда бундай шамолларнинг белгиланган максимал тезликда ҳаракатланаётган ҳаракатдаги таркибга нисбатан таъсирини чеклаш бўйича чора-тадбирлар назарда тутилиши лозим;

ф) темир йўлларга қор уюми тушиши хавфини келтириб чиқарадиган жойлар қор ушлаб қолувчи қурилмалар билан жиҳозланган бўлиши лозим;

х) темир йўлларни лойиҳалаштиришда фавқулодда вазиятларда йўловчилар ва хизмат кўрсатувчи ходимларни ҳимоя қилиш чоралари кўрилиши лозим.

80. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўл электр таъминотига, темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларига ва темир йўл электр таъминоти таркибий қисмлари элементларига қуидаги талаблар белгиланади:

а) қуидагиларни таъминловчи шартларга риоя этиш:

кучланиш остида бўлган темир йўл электр таъминоти таркибий қисмлари элементларидан ерга уланган қисмлар, ернинг сатҳи, пиёдалар кўприклари тўшамаси, зинапоялар, йўловчи платформалари гача хавфсиз масофани;

темир йўл электр таъминоти таркибий қисмлари элементларидан темир йўл транспорти инфратузилмаси таркибига кирмайдиган электр узатиш линиялари гача хавфсиз масофани;

электр ускуналари корпусларига ва бошқа металл конструкцияларга тегиши чоғида рухсат этилган кўрсаткичдан ортиқ бўлмаган кучланиши;

хавфли зоналарга рухсатсиз кириш ёки кучланиш остида бўлган темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементлари гача тегиши учун тўсқинлик қиласидиган тўсиқлар ва блоклашларнинг мавжудлигини;

темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларидан ҳосил бўладиган, рухсат этилган кўрсаткичдан ошмаган радиошовқин даражасини;

тортиш тармоғи ёки электр узатиш линиясининг автоматик равищада ўчирилишини;

темир йўл электр таъминоти ва темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа куйи тизимлари иш ҳолатининг шикастланишига ёки бузилишига олиб келиши мумкин бўлган шароитларда тортиш тармоғи ёки электр узатиш линияларининг автоматик тарзда ўчирилишини;

огоҳлантириш белгиларининг мавжудлигини;

нормал ва авария ҳолатидаги режимларда ёнғин хавфсизлиги таъминланишини;

**б)** параметрлари куйидагиларни таъминлайдиган ускуналардан фойдаланиш:

изоляциянинг электр мустаҳкамлиги йўл қўйиладиган миқдордан кам бўлмаслигини;

номинал токда ускунанинг ток ўтказувчи қисмларининг ҳарорати атроф-муҳит ҳароратидан рухсат этилган кўрсаткичдан баланд бўлмаслигини;

контакт тармоғи ажратгичининг ўчирилган ҳолати ҳақида сигнал мавжуд бўлмаганда, изоляция оралигининг энг кам миқдорининг изоляция оралигининг энг катта миқдорига нисбати рухсат этилган қийматдан кам бўлмаслигини;

контакт тармоғи таянчлари устунларининг, таянч пойдеворларининг ва кўндаланг ригелларининг мустаҳкамлик бўйича хавфсизлик коэффициенти рухсат этилган кўрсаткичдан кам бўлмаслигини;

контакт тармоғининг таянч конструкциялари ўрта қисмидаги нисбий эгилиш йўл қўйиладиган қийматдан кам бўлмаслигини;

диодли ерга уланган мосламанинг тескари кучланиши рухсат этилган қийматдан кам бўлмаслигини;

импульсли кучланишнинг рухсат этилган қийматлари доирасида уланиш станцияларининг ҳимоя курилмалари ишга тушишини;

электромагнит майдонларнинг хавфли ва заарли таъсиридан ҳимояланиш лозим дараҷада бўлишини;

авария ҳолатидаги (ортиқча юкланиш, қизиб кетиш, қисқа туташув ва бошқалар) режимда ишлаш вақтида темир йўл электр таъминоти таркибий қисмлари элементлари автоматик тарзда ўчиб қолишини (унинг қисмлари ёниб кетишини истисно этган ҳолда);

в) қуидагилар таъсирида темир йўл электр таъминоти ускуналарининг механик мустаҳкамлигини таъминлаш:

эксплуатация юкламалари;

ҳисобланган авария режимларидаги юкламалар;

монтаж юкламалари;

г) эксплуатация ёки авария режимидаги юкламаларнинг ва фойдаланиш минтақаси меъёрий кўрсаткичларига мос келадиган иқлим омилларининг, шу жумладан, минимал ҳарорат, максимал ҳарорат, шамол максимал тезлиги ёки шамолли музлаш режимларининг бир вақтнинг ўзида таъсири остида темир йўл электр таъминоти хавфсиз ишлаш қобилиятини таъминлаш;

д) тезкор ходимларнинг ва тезкор-таъмирлаш ходимларининг кучланиш остида қолиш эҳтимолидан ва электр токи уришидан хавфсизлигини қуидагилар орқали таъминлаш:

барча аппаратларни кучланиш манбаларидан узиш имкониятини таъминловчи тақсимлаш мосламаларининг барча занжирларида (суриладиган (тортиб чиқариладиган) блокли ячейкалар бундан мустасно) кўринадиган оралик сақлаган ҳолда ажратгичларни ўрнатиш;

тортиш подстанциясининг ва трансформатор подстанциясининг 1000 W дан ортиқ кучланишга эга барча тақсимлаш қурилмаларини, шунингдек, темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг чизиқли элементларини аппарат ва шиналар ерга уланишини таъминловчи стационар ерга улаш мосламалари ҳамда коммутация аппаратлари билан нотўғри операциялар бажарилишининг олдини олувчи блоклаш ускуналари ёки бошқа қурилмалар билан жиҳозлаш;

стационар тўсиқларни, трансформаторларга кўтарилиш учун нарвонларни ерга улаш мосламалари ёқилгандагина тўсиқларнинг очилиши, нарвонларнинг иш ҳолатига келиши имконини таъминловчи блоклаш ва бошқа қурилмалар билан жиҳозлаш;

е) темир йўл электр таъминоти таркибий қисмларининг элементларидан фойдаланган ҳолда ҳаракатдаги таркибни, темир йўл транспорти инфратузилмаси иншоотлари ва қурилмаларини уларнинг хавфсиз ишлашини таъминлайдиган ҳамда энергия самарадорлигини оширадиган сифат кўрсаткичларига эга электр энергияси билан таъминлаш.

81. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўл автоматикаси ва телемеханикасига, тёмир йўл автоматикаси ва телемеханикасининг таркибий қисмларига ҳамда темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси таркибий қисмлари элементларига қуидаги талаблар белгиланади:

а) автоматика ва телемеханиканинг барча таркибий қисмлари ҳамда автоматика ҳамда телемеханиканинг таркибий қисмларининг барча элементлари ҳаракатдаги таркибининг белгиланган тезлик ва минимал ҳаракатланиш интервали билан хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим;

б) ҳаракатдаги таркиб ҳаракатининг диспетчерлик марказлаштируви ва диспетчерлик назорати қуидагиларни таъминлаши лозим:

бир ёки бир неча темир йўл станциялари ва перегонларининг стрелкали ўтказгичлари ва светофорларини битта диспетчерлик марказидан марказлаштирилган ҳолда бошқариш, бунда ушбу станция ва темир йўл постларида электр марказлаштириш қурилмаларини захира бошқаруви билан таъминлаш;

перегонлар, станциялар ва станцияларга туташган блок-участка темир йўлларининг бўшлигини (ёки бандлигини) ва стрелкали ўтказгичлар ҳолатини, шунингдек, киришда, йўналишда ва чиқишда ўрнатилган светофорларнинг ишораларини узлуксиз назорат қилиш;

темир йўл станциялари ва перегонларда сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш қурилмаларининг техник ҳолатини узлуксиз назорат қилиш;

блок-участкаларнинг сохта бандлик ҳолатида ҳаракатланиш параметрларини ўзгартириш имкониятини таъминлаш, шу жумладан, ҳаракатдаги таркибни шошилинч тўхтатиш ва ҳаракатдаги таркиб тақиқловчи ишорали светофордан ўтиб ҳаракатланиши учун рухсат бериш;

ҳаракатдаги таркибининг ҳаракати ҳақида йўловчиларни хабардор қилиш учун зарур маълумотларни узатиш, шунингдек, ҳаракатдаги таркиб яқинлашаётгани тўғрисида темир йўлларда ишларни бажараётган ходимларни хабардор қилиш;

в) станция ва перегонларда сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш қуидагиларни таъминлаши шарт:

ҳаракатдаги таркибни станцияларда ва перегоннинг ҳар бир йўлида икки томон йўналишида белгиланган тезлиқда бир-бири билан кесишмайдиган белгиланган йўналишлар бўйлаб ўтказиш;

ҳаракатдаги таркиб темир йўлнинг бошқа ҳаракатдаги таркиб билан банд бўлган қисмига чиқишининг олдини олиш (блоклаш);

йўналишини тайёрлашда ҳаракатдаги таркиб ҳолатини назорат қилиш, стрелкаларни ўтказиш, уларнинг ҳолатини назорат қилиш ва блоклаш, шунингдек, светофорларни бошқариш ва ўзаро боғлиқ операцияларнинг зарур кетма-кетлигини бажариш;

қурилмалар ва техник воситаларнинг техник ҳолатини назорат қилиш ва зарур ҳолларда уларнинг захирасини яратиш;

станцияларда ҳаракатдаги таркиб яқинлашаётганлиги ҳақида автоматик тарзда огоҳлантириш;

ҳаракатдаги таркиб остида стрелка ўтказилишига йўл қўймаслик;

г) техник диагностика ва мониторинг тизими темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси қурилмаларининг ишдан чиқишдан олдинги ҳолати назорат қилинишини таъминлаши лозим;

д) темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа қуий тизимлари ва ҳаракатдаги таркиб билан мос келиши лозим;

е) темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси, темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси таркибий қисмлари ҳамда темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси таркибий қисмлари элементлари лойихалаштиришда назарда тутилган барча шароит ва режимларда, улар учун белгиланган хизмат муддати давомида яроқликлик ҳолатини сақлаб туриши лозим.

82. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида темир йўл электр алоқасига, темир йўл электр алоқаси таркибий қисмларига ва темир йўл электр алоқаси таркибий қисмлари элементларига куйидаги талаблар белгиланади:

а) ҳаракатдаги таркибнинг белгиланган тезликда ва қатновларнинг минимал оралиғида хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаши лозим;

б) технологик алоқа тармогининг ишлаш параметрларини ва интеграциялашган ҳолда бошқарилишини ҳамда частота ва вакт синхронлигини таъминлаши лозим;

в) темир йўл транспорти инфратузилмасининг бошқа қуий тизимлари ва ҳаракатдаги таркиб билан мос келиши лозим;

г) белгиланган хизмат муддати давомида лойихалаштириш вақтида назарда тутилган барча шароитларда ҳамда режимларда ишлаш қобилиятини сақлаши лозим.

83. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида станция бино, иншоот ва қурилмаларига, станция бино, иншоот ва қурилмалари таркибий қисмларига ҳамда станция бино, иншоот ва қурилмалари таркибий қисмлари элементларига куйидаги талаблар белгиланади:

а) йўловчиларни чиқариш, тушириш ва уларга хизмат кўрсатиш операцияларини хавфсиз амалга ошириш учун станциянинг бино, иншоот ва қурилмалари мослаштирилган бўлиши лозим. Йўловчилар биноларидан йўловчилар платформаларига чиқиш жойларида, шунингдек, йўловчилар платформаларидан пиёдалар кўприги ва туннелга чиқиш жойларида одамларнинг хавфсизлиги кўзда тутилмаган бошқа бино, иншоот ва қурилмалар халақит қилмаслиги керак, шунингдек, болалар аравачалари билан кетаётган ва ҳаракати чекланган фуқароларнинг ҳаракатланиши учун жиҳозлар бўлиши лозим;

б) йўловчилар платформаси ҳаракатланаётган ҳаракатдаги таркибнинг аэродинамик таъсиридан инсонларни ҳимоя қилиш мақсадида бевосита умумий фойдаланишдаги асосий темир йўллар бўйлаб жойлаштирилмаслиги лозим;

в) пиёдалар туннеллари ва еости станциялари авария ҳолатида ёритиш чироқларига ва авария чиқиш йўлакларига эга бўлиши лозим;

г) стрелкалари электрон тарзда марказлаштирилган станциялар, туннеллар ва кўприклар ҳаракатдаги таркиб яқинлашаётгани ҳақида темир йўл изида ишларни бажараётган ходимларни хабардор қилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши лозим;

д) стационар жойлаштирилган иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементлари ҳаракатдаги таркиб элементларига бевосита халақит бермаслигини таъминлаш мақсадида ушбу иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементлари иншоотларнинг белгиланган яқинлашиш габаритига риоя этилишини таъминлаши лозим;

е) темир йўл станциялари ҳаракатдаги таркибнинг поездлар ҳаракати йўналишларига ўз-ўзидан чиқиб кетишини олдини олиш учун қурилмаларга – сақловчи боши берк йўларга, ҳимоялаш стрелкаларига, улоктирувчи ўткир учларга (остряклар) ёки стрелкаларга эга бўлиши керак, улар марказлаштириш ва блоклаш тизимига уланиш талабларига жавоб бериши, тўсиқ ҳолатини назорат қилиши ҳамда ҳаракатдаги таркиб бошқа йўлларга ва поездларнинг қабул қилиниши, ҳаракатланиши ва жўнатилиши йўналишларига ўз-ўзидан чиқиб кетишини истисно этиши керак;

ж) узун масофали нишабликларга эга бўлган перегонлар, шунингдек, бундай перегонларни чегараловчи станциялар ушбу нишабликларда ҳаракатланиши давомида бошқарувни йўқотган ҳаракатдаги таркибни тўхтатиш учун тутиб қолувчи боши берк йўлларга ёки бошқа иншоот ва қурилмаларга эга бўлиши шарт;

з) темир йўл станцияси, депо ва бошқа ёрдамчи объектлар тўшамалар, ишора белгилари ва огохлантирувчи ёзувлар, шунингдек, электр ёритиш мосламалари билан жиҳозланиши, темир йўл изидан ўтувчи пиёдалар ўтиш йўлакчасига эга бўлиши шарт. Темир йўл изига яқин бўлган хизмат биноларидан чиқиши жойлари ҳимояловчи тўсикларга (баръерларга) эга бўлиши шарт;

и) темир йўл станцияларидағи объект ва бинолар ҳаракатдаги таркиб хавфсизлиги, манёвр ҳаракатлари хавфсизлиги, йўловчиларни вагонларга чиқариш ва вагонлардан тушириш хавфсизлиги, ишчи-ходимлар хавфсизлиги, почта, багаж ва юк багажи жўнатмаларининг муҳофазасини таъминлаш учун белгиланган меъёрларга мувофиқ ёритилиши лозим. Ташки ёритиш сигнал чироқларининг тиниқ кўринишига таъсир кўрсатмаслиги лозим;

к) компрессор ускуналарининг ҳаво тортиш жойлари, шунингдек, двигателлар ва бошқа асбоб-ускуналарнинг газ чиқариш тизимлари аэродинамик шовқин ва газ оқими глушителлари (шовқинни пасайтирадиган мосламалар), шунингдек, бошқа ҳимоя мосламалари билан жиҳозланиши шарт;

л) электр узатиш ҳаво линиялари темир йўллар орқали станцияларининг бошланиш кисмида кесишмаслиги лозим;

м) янги ва боғловчи темир йўлларнинг бош темир йўлларга туташишига йўл кўйилмайди.

### **3-боб. Ҳаракатдаги таркиб ҳамда темир йўл транспорти инфратузилмасининг объектларини тамғалашга қўйиладиган талаблар**

84. Ҳаракатдаги таркиб, унинг таркибий қисмлари ҳамда темир йўл транспорти инфратузилмасининг объект ва элементлари ушбу Техник регламент, шунингдек, темир йўлларда ташишлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича татбиқ этиладиган бошқа норматив-хукукий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ бўлганда муомалага чиқарилади.

85. Мувофиқлиги ушбу Техник регламент талаблари билан тасдиқланмаган темир йўл транспорти инфратузилмасининг объектлари ва элементлари темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгиси билан тамғаланмаслиги, муомалага чиқарилмаслиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланишга топширилмаслиги лозим.

86. Темир йўл маҳсулоти фойдаланиш бўйича кўлланмада такрорланиши ва тушунтирилиши лозим бўлган, яхши фарқланадиган идентификация ҳамда огоҳлантирувчи ёзувлар ва тамғага эга бўлиши лозим.

87. Ҳаракатдаги таркиб конструкциявий ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, ҳаракатдаги таркибни идентификациялашни таъминловчи куйидаги тамғага эга бўлиши лозим:

- а) темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
- в) темир йўл маҳсулоти номи ва (ёки) серияси ёки русумининг белгиси, рақами;
- г) ишлаб чиқарилган санаси;
- д) тара массаси;
- е) конструкциявий тезлиги;
- ж) ўтказилган таъмирлар тўғрисида белги ёки ёзув;
- з) йўловчилар учун жойлар сони (йўловчиларни ташиш учун мўлжалланган ҳаракатдаги таркиб учун).

88. Ҳаракатдаги таркибнинг таркибий қисмлари, темир йўл транспорти инфратузилмаси куи тизимларининг таркибий қисмлари ва уларнинг элементлари ишлаб чиқарилган йилидан қатъи назар, конструкторлик ҳужжатларига мувофиқ темир йўл маҳсулотини идентификациялашни таъминлайдиган тамғага эга бўлиши лозим, жумладан:

- а) темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчининг номи ёки савдо белгиси, темир йўл маҳсулоти номи;
- в) ишлаб чиқарилган санаси.

Темир йўл маҳсулотининг ўзига хос конструкциявий хусусиятларига кўра тамғани темир йўл маҳсулотининг ўзига бевосита тушириш имкони бўлмаса, унинг фақат ўрамга туширилишига ва темир йўл маҳсулотига илова қилинадиган фойдаланиш хужжатларида кўрсатилишига йўл қўйилади.

89. Ҳаракатдаги таркиб ва темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларида ўрнатилган, ўлчамлар бир хиллиги таъминланишини давлат томонидан тартибга солиш соҳасига тааллукли бўлган ўлчаш воситалари тасдиқланган турда бўлиши ҳамда метрология соҳасидаги қонунчилик хужжатларида мувофиқ қиёслаш белгиси ва (ёки) қиёслаш тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлиши лозим.

90. Ҳаракатдаги таркибнинг ғилдирак жуфтликлари конструкторлик хужжатларида мувофиқ тамға ва мувофиқлик белгиларида эга бўлиши лозим.

91. Ҳаракатдаги таркиб машинист кабинаси ва вагонларининг ойналари конструкторлик хужжатларида мувофиқ қуидаги тамғага эга бўлиши лозим:

- а) темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгиси;
- б) ишлаб чиқарувчи номи ва (ёки) унинг товар белгиси;
- в) ойна тури белгиси;
- г) ҳимоя класси;
- д) сертификатлаш тўғрисидаги маълумотлар.

92. Тамға ва фойдаланиш хужжатлари давлат тилида бўлиши лозим ва заруратга қараб бошқа тилларга таржима қилиниши мумкин.

#### **4-боб. Юқори тезликдаги темир йўл транспортининг хавфсизлик талабларида мувофиқлигини таъминлаш**

93. Ихтиёрий равища кўлланадиган стандартларда назарда тутилган темир йўл маҳсулоти хавфсизлигининг рухсат этилган қийматларини таъминлаш Техник регламент талабларида риоя қилиш учун етарли шарт ҳисобланади.

94. Ушбу Техник регламент билан боғлиқ бўлган стандартлар рўйхатини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги тасдиқлади.

95. Стандартлаштириш бўйича ҳалқаро хужжатларга хавфсизлик талаблари билан боғлиқ ўзгартиришларни киритишида, ўзгартириш тўғрисидаги таклифни киритаётган тараф киритилаётган ўзгартиришларнинг хатарлик томонларини ҳисоблаб чиқиши керак.

#### **5-боб. Мувофиқликни баҳолаш**

96. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламент талаблари татбиқ этиладиган техник жиҳатдан тартибга солиш объектлари рўйхати 1-иловада келтирилган темир йўл маҳсулотининг ушбу Техник регламент талабларида мувофиқлиги мажбурий сертификатлаш ва мувофиқликни декларациялаш йўли билан баҳоланади.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг мувофиқлигини баҳолаш ушбу Техник регламентнинг 166–174-бандлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ амалга оширилади.

97. Темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини баҳолаш мувофиқликни мажбурий тасдиқлаш шаклида амалга оширилади.

98. Лойиҳа хужжатларининг давлат экспертизаси қонунчилик хужжатларига мувофиқ ўтказилади.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилишда улар тасдиқланган лойиҳа хужжатларига (белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда), ушбу Техник регламентга мувофиқлиги белгиланади.

99. Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилишда темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини куриш вақтида амалга ошириладиган технологик операциялар бажарилишига тааллуқли бўлган курилиш назорати (қабул комиссиялари) натижалари ҳисобга олиниши керак.

Курилиш назорати қонунчилик хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

100. Фойдаланишга қабул қилинадиган юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг рўйхати 2-иловада келтирилган.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилиш ва ишга тушириш тартиби ушбу Техник регламентнинг 166–174-бандларида келтирилган.

101. Темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

- а) сертификатлаш;
- б) мувофиқлик тўғрисида декларацияни қабул қилиш.

102. Ушбу Техник регламентда белгиланган темир йўл маҳсулотларининг мувофиқлигини баҳолаш (тасдиқлаш) Миллий аккредитация органи томонидан Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синаш лабораториялари (марказлари), шунингдек, Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши томонидан тан олинган мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) органлари, синаш лабораториялари, синаш марказлари реестирига кирувчилар томонидан амалга оширилади.

103. Сертификатлаш пайтида темир йўл маҳсулоти параметрларининг зарур синашлари ва ўлчашлари Миллий аккредитация органи томонидан Миллий аккредитация тизими реестрига киритилган аккредитация қилинган сертификатлаштириш органлари ва синаш лабораториялари (марказлари), шунингдек, Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг темир йўл транспорти бўйича Кенгаши томонидан тан олинган мувофиқликни баҳолаш (тасдиқлаш) органлари, синаш лабораториялари, синаш марказлари реестирига кирувчилар томонидан амалга оширилади.

Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органи билан тузилган шартнома шартлари асосида ўз аккредитацияси доирасида темир йўл маҳсулотини тадқиқ қилиши (синаш) ва ўлчашни амалга оширади. Аkkредитация қилинган синаш лабораториялари (марказлари) синашлар ва ўлчашлар натижаларини тегишли синаш баённомалари билан расмийлаштиради ва сертификатлаштириш органига тақдим этади. Синаш пайтида ишлатиладиган ўлчаш воситалари ўлчовларнинг бир хиллигини таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлиши керак.

104. Темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини баҳолашда стандартлаштириш ҳужжатларининг қоидалари қўлланилса, ушбу Техник регламент талабларига мувофиқликни баҳолаш стандартлаштириш ҳужжатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Стандартлаштириш ҳужжатларини қўлламаслик ушбу Техник регламент талабларига риоя қиласлик деб баҳоланиши мумкин эмас. Бундай ҳолда, темир йўл маҳсулотининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун ушбу Техник регламентнинг 114-бандига мувофиқ бошқа ҳужжатлардан фойдаланишга руҳсат берилади.

Темир йўл маҳсулотларини сертификатлаш схемалари рўйхати З-иловада келтирилган.

105. Ушбу Техник регламентда белгиланган мажбурий талабларга мувофиқликни баҳолаш учун ишлаб чиқарувчи синалган услубиётлар бўйича қабул қилиш, қабул қилиш-топшириш синовларини, даврий ва намунавий синовларни ўтказади.

106. Сертификатлаштириш ариза берувчи билан тузилган шартномага асосан сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширади.

Сертификатлаштириш пайтида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ҳисобланган ёхуд етказиб берилаётган темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини таъминлаш ва етказиб берилаётган темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига номувофиқлиги учун жавобгар бўлиш нуқтаи назаридан хорижий ишлаб чиқарувчи функцияларини у билан тузилган шартнома асосида бажараётган, қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган (якка тартибдаги тадбиркор сифатида) юридик шахс ариза берувчи бўлиши мумкин.

107. Синаш турлари ва ҳажми ушбу Техник регламент талабларини қўллаш ва ижро этиш учун зарур бўлган намуналарни танлаб олиш қоидалари, жумладан, тадқиқот (синаш) ва ўлчаш қоидалари ва усулларини ўз ичига олган стандартлар билан белгиланади, уларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланади.

Мувофиқликни баҳолаш бўйича ишларни амалга ошириш муддати сертификатлаштириш органи ва ариза берувчи ўргасидаги шартнома билан белгиланади.

Мувофиқлик сертификатини бериш муддати сертификатлаштириш органи томонидан синовлар баённомалари ва зарур ҳолларда сертификатлаш пайтида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш түгрисидаги хужжатлар олинган санадан эътиборан ўн беш иш кунидан ошмаслиги керак.

Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати кўпи билан уч йилни ташкил этади.

108. Мувофиқликни декларациялаш пайтида ишлаб чиқарувчи ёки сотувчи ҳисобланган ёхуд етказиб берилаётган темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларга мувофиқлигини таъминлаш ва етказиб берилаётган темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига номувофиқлиги учун жавобгар бўлиш нуқтаи назаридан хорижий ишлаб чиқарувчи функцияларини у билан тузилган шартнома асосида бажараётган, қонунчилик хужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтган (якка тартибдаги тадбиркор сифатида) юридик шахс ариза берувчи бўлиши мумкин.

109. Мувофиқликни декларациялаш қўйидагиларни ўз ичига олади:

а) мувофиқлик декларациясини қабул қилувчи ариза берувчи томонидан темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатлар тўпламини шакллантириш;

б) декларациялаш схемасида назарда тутилган бўлса, темир йўл маҳсулоти намуналарини аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказида) синовдан ўтказиш;

в) декларациялаш схемасида назарда тутилган бўлса, ариза берувчи томонидан сифатни бошқариш (менежменти) тизимларини сертификатлаштириш органига ариза бериш ва сифатни бошқариш (менежмент) тизимини сертификатлаштиришни амалга ошириш;

г) ариза берувчи томонидан мувофиқлик декларациясини қабул қилиш;

д) сертификатлаштириш органига илова қилинган хужжатлар билан бирга мувофиқлик декларациясини рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза бериш;

е) сертификатлаштириш органи томонидан тақдим этилган хужжатларнинг тўлиқлиги, шунингдек, мувофиқлик декларациясини тўлдириш тўғрилигини баҳолаш;

ж) мувофиқлик декларациясини рўйхатдан ўтказиш;

з) мувофиқликни декларациялаш натижалари тўғрисида маълумот бериш;

и) декларациялаш схемасида назарда тутилган бўлса, сифатни бошқариш (менежмент) тизимларини сертификатлаштириш органи томонидан сифатни бошқариш (менежмент) тизимининг давлат назоратини ўтказиш;

к) мувофиқлиги мувофиқлик декларацияси билан тасдиқланган темир йўл маҳсулоти устидан назорат ўрнатиш.

110. Мувофиқликни ўз далиллари асосида декларациялашда мувофиқлик декларациясини қабул қилиб олувчи ариза берувчи қўйидагиларни ўз ичига олган далилий материаллар тўпламини мустақил равишда шакллантиради:

- а) таъсис хужжатлари;
- б) конструкторлик хужжатлари ва технологик хужжатлар;
- в) хавфсизликни асослаш;
- г) темир йўл маҳсулоти намунавий шаклларини танлаб олиш далолатномаси;
- д) темир йўл маҳсулоти бўйича ариза берувчининг ўз лабораториясида олинган синовлар баённомалари;
- е) миллий стандарт ёки темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш учун асос бўлган техник шартлар;
- ж) темир йўл маҳсулотининг умумий хавфсизлигига таъсир қилувчи таркибий қисмларнинг алоҳида элементлари хавфсизлигини тасдиқловчи хужжатлар;
- з) сифат менежменти тизими сертификатини берган сертификатлаштириш органи томонидан сертификатланган темир йўл маҳсулоти устидан давлат назорати амалга оширилишини назарда тутувчи сифат менежменти тизими сертификати;
- и) ариза берувчи томонидан темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини тасдиқлаш учун фойдаланилган бошқа хужжатлар (ўхшаш хужжатлардан фойдаланиш, синалган усувлар бўйича ҳисоб-китоблар натижалари).

111. Ўз далиллари асосида ва сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида олинган далиллар асосида темир йўл маҳсулоти мувофиқлигини декларациялашда, ариза берувчи ушбу регламентнинг 110-бандига асосан шакллантирган ўз далилларига кўшимча равишда аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказида) олинган синашлар ва ўлчаш натижалари бўйича баённомаларни далилий материалларга киритади.

Мувофиқликни декларациялашда темир йўл маҳсулотини идентификациялаш аккредитация қилинган синаш лабораторияси (марказ) томонидан амалга оширилади. Синашлар учун темир йўл маҳсулоти намуналарини танлаб олиш миллий стандартлар ва (ёки) қоидаларда белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади, уларнинг рўйхати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланади.

Синов учун танланган темир йўл маҳсулоти намуналари конструкцияси, таркиби ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича истеъмолчига (мижозга) етказиб бериладиган темир йўл маҳсулоти билан бир хил бўлиши керак.

Темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини декларациялаш схемалари рўйхати 4-иловада келтирилган.

112. Мувофиқлик декларациясининг амал қилиш муддати уч йилдан ошмаслиги керак.

113. Ариза берувчи томонидан тасдиқланган мувофиқлик декларациялари ва мувофиқлик сертификатларининг нусхалари темир йўл маҳсулотига тегишли хужжатларга илова қилинади.

114. Ариза берувчи темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини тасдиқлашда стандартлаштириш бўйича хужжатларни қўлламаса ёки қисман қўлласа, ариза билан бирга қуидагиларни тақдим этади:

а) темир йўл маҳсулотининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи далиллар;

б) аккредитация қилинган синаш лабораторияларида (марказларда) ўтказилган тадқиқотлар (синашлар) ҳақида маълумот;

в) сифат менежменти тизимининг мувофиқлик сертификати.

115. Инновацион темир йўл маҳсулотини сертификатлаш учун ариза берувчи сертификатлаштириш органига ариза юборади ва техник хужжатларни, шу жумладан, таклиф этилаётган инновацион темир йўл маҳсулотининг техник ечимлари учун хавфсизлик асосларини тақдим этади. Сертификатлаштириш органи тақдим этилган материалларни кўриб чикади ва хавфсизлик талабларининг рухсат этилган кўрсаткичларидан четга чиқишилар бўлса, темир йўл транспори соҳасида давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва хукукий жиҳатдан тартибга солиш функцияларини бажариш, уларни тузатиш бўйича таклиф олиш мақсадида ваколатли органларга юборади.

Инновацион темир йўл маҳсулотининг тасдиқланган стандартларга асосан синови ижобий натижалари асосида сертификатлаштириш органи ариза берувчига инновацион темир йўл маҳсулоти партиясига мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қиласи. Мувофиқлик сертификатида инновацион темир йўл маҳсулоти намуналари сони ва мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати кўрсатилади. Инновацион темир йўл маҳсулоти намуналарига мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати икки йилдан ошмаслиги керак.

116. Ариза берувчи қонунчилик хужжатларига мувофиқ сертификатлаштириш органлари ва аккредитация қилинган синаш лабораториялари (марказлари) ноконуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида шикоят билан аккредитация органига мурожаат қилиш хукуқига эга.

117. Сертификатлаштириш тартиби қуидагилардан иборат:

а) ариза берувчи томонидан сертификатлаштириш органига темир йўл маҳсулотини сертификатлаштириш учун ариза бериш;

б) сертификатлаштириш органи томонидан сертификатлаштириш ўтказиш учун берилган аризани баҳолаш, ушбу аризага нисбатан қарор қабул қилиш ва қарорни ариза берувчига юбориш;

в) сертификатлаштириш органи билан тузилган шартнома бўйича аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказ) темир йўл маҳсулоти синовларини ўтказиш;

г) сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш шартларини ёки сифат менежменти тизими сертификатини ёхуд маҳсулотни ишлаб чиқаришни баҳолаш;

д) темир йўл маҳсулотини синаш натижаларини, ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш ёки сифат тизимини ёхуд темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқаришни сертификатлаштириш (ўтказилган ҳолларда) натижаларини ва бошқа далилий материалларни экспертизадан ўтказиш, шунингдек, мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ёки мувофиқлик сертификатини беришни рад этишни асослаш;

е) мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, рўйхатдан ўтказиш ва бериш ёки мувофиқлик сертификатини беришни рад этиш тўғрисида ариза берувчига хабар юбориш;

ж) сертификатлаштириш схемаларига мувофиқ сертификатлаштирилаётган темир йўл маҳсулотини, шунингдек, мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгиси қўлланишини назорат қилиш.

118. Ариза берувчи томонидан сертификатлашни ўтказишга бериладиган ариза давлат тилида расмийлаштирилиб, куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

а) ариза берувчининг номи, жойлашган манзили ва реквизитлари;

б) ариза берувчи темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқарувчи бўлмаса, ишлаб чиқарувчининг номи, жойлашган манзили ва реквизитлари;

в) темир йўл маҳсулоти тўғрисидаги маълумотлар ва унинг идентификация хусусиятлари (миллий темир йўл маҳсулоти классификатори бўйича номи, коди ёки Ўзбекистон Республикасида қўлланадиган Ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатурасига мувофиқ импорт қилинадиган темир йўл маҳсулоти коди), темир йўл маҳсулотининг техник тавсифи, ундан фойдаланиш бўйича қўлланмалар ва ушбу Техник регламентнинг 119 ва 121-бандларига мувофиқ бошқа техник хужжатлар, шунингдек, декларацияланган миқдор (темир йўл маҳсулотини серияли ишлаб чиқариш, унинг партияси ёки ишлаб чиқариш бирлиги);

г) тақдим этилаётган темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига жавоб бериши лозим бўлган қоидаларнинг кўрсатилиши;

д) сертификатлаштириш схемаси;

е) ариза берувчининг сертификатлаштириш қоидалари ва шартларига риоя қилиш мажбуриятлари;

ж) ариза берувчининг хоҳишига кўра кўшимча маълумотлар;

з) аризага илова қилинган хужжатлар рўйхати.

119. Янги ишлаб чиқарилаётган темир йўл маҳсулоти учун ариза берувчи томонидан сертификатлаштиришга ариза билан бирга сертификатлаштириш органига қуидаги хужжатлар тақдим этилади:

а) темир йўл маҳсулоти намунасини яратиш бўйича техник топширик (мавжуд бўлса);

- б) темир йўл маҳсулоти учун техник шартлар;
- в) дастлабки синовлар дастури;
- г) дастлабки синовлар баённомаси;
- д) қайд этилган эксплуатация хужжатлари тўплами;
- е) темир йўл маҳсулоти намунаси қабул қилиш синовларини ўтказишга тайёрлиги тўғрисидаги далолатнома;
- ж) қабул қилиш синовларини ўтказиш режа-жадвали;
- з) қабул қилиш синовлари дастури;
- и) қабул қилиш синовлари баённомаси;
- к) қабул комиссиясининг далолатномаси;
- л) қабул комиссияси томонидан аниқланган камчиликларни (мавжуд бўлса) бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва унинг бажарилганлигини тасдиқловчи хужжатлар;
- м) темир йўл маҳсулотини серияли ишлаб чиқариш учун конструкторлик хужжатларининг ҳазорат тўпламини белгиланган тартибда баҳолаш ва тасдиқлаш якунлари бўйича хабарнома;
- н) темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгисини ўрнатиш усули ва жойи юзасидан таклиф.

120. Қабул қилиш ва сертификатлаштириш синовларини бирлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинганда, ушбу Техник регламентнинг 119-бандида кўрсатилган хужжатлар қабул қилиш синовлари ўтказилгандан кейин ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси амалга оширилгандан сўнг тақдим этилади.

121. Серияли ишлаб чиқарилаётган темир йўл маҳсулоти учун ариза берувчи томонидан сертификатлаштириш органига сертификатлаштиришни ўтказишга берилаётган ариза билан бирга куйидаги хужжатлар тақдим этилади:

- а) темир йўл маҳсулоти учун техник шартлар;
- б) конструкторлик хужжатлари ва технологик хужжатлар (сертификатлаштириш органи билан келишилган ҳажмда);
- в) қабул қилиш (малака) синовлари баённомаси;
- г) малака комиссиясининг далолатномаси, дастлабки сертификатлаш ҳолларида эса қабул комиссиясининг далолатномаси;
- д) қабул комиссияси томонидан аниқланган камчиликларни (мавжуд бўлса) бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ва унинг амалга оширилганлигини тасдиқловчи хужжатлар;
- е) ўтказилган даврий ва намунавий синовлар бўйича ҳисоботлар;
- ж) темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш бўйича сўровнома;
- з) темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми;

и) рекламациялар түғрисидаги маълумотлар;

к) темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгисини ўрнатиш усули ва жойи юзасидан таклиф.

122. Ушбу Техник регламентнинг 119 ва 121-бандларида кўрсатилган барча далилий хужжатлар ариза берувчининг реквизитлари ва идентификация рақами кўрсатилган ҳолда расмийлаштирилди ва ариза берувчининг имзоси билан тасдиқланади.

Далилий хужжатлар нусхалари жамланиб тикилади ва ариза берувчининг имзоси ҳамда муҳри билан тасдиқланади. Хужжат жамланмаси тикилмаган бўлса, хужжатнинг ҳар бир вараги тасдиқланади. Барча далилий хужжатлар қонунчилик хужжатларига мувофиқ сертификатлаштириш органидаги тегишли файлларда сақланиши керак.

123. Маҳсулотни сертификатлаштириш чоғида қабул қилиш синовлари ва бошқа синовлар натижалари ҳисобга олинади, бунда синовлар сертификатлаштириш органи билан келишилган дастурларга мувофиқ аккредитация қилинган синаш лабораторияларида (марказларида) ўтказилиши шарт бўлади. Бундай ҳолда, ариза берувчи сертификатлаштириш учун аризани синовлар ўтказилиши бошланишидан олдин топшириши ва сертификатлаштириш органига синовлар жадвалини тақдим этиши керак. Синов лабораторияси (маркази) сертификатлаштириш органини синовларнинг бошланиши ва ўтказилиб бориши түғрисида хабардор қилиши шарт. Кўрсатилган синовлар натижаларига кўра темир йўл маҳсулоти конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясига тақорорий синовларни талаб қиласиган жиддий ўзгаришлар киритилмаган бўлса, улар сертификатлаштириш пайтида ҳисобга олиниши мумкин.

124. Сертификатлаштириш органи сертификатлаштириш түғрисидаги аризани кўриб чиқади ва уни олгандан сўнг бир ойдан ошмаган муддат ичida ариза берувчига ўз қарори түғрисида хабар беради.

125. Сертификатлаштириш түғрисидаги аризага нисбатан қабул қилинган ижобий қарор сертификатлаштириш асосий шартларини, шу жумладан, куйидагилар түғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

а) сертификатлаштириш схемаси түғрисида;

б) сертификатлаштириш муддати түғрисида;

в) маҳсулотни сертификатлаштиришда асос бўладиган меъёрий хужжатлар түғрисида;

г) сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаган ташкилот түғрисида;

д) темир йўл маҳсулоти намуналарини танлаб олиш тартиби түғрисида;

е) темир йўл маҳсулоти намуналарини синовдан ўтказиш тартиби түғрисида;

ж) темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш шароитларининг барқарорлигини баҳолаш тартиби түғрисида;

з) темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида;

и) сертификатлаштирилаётган темир йўл маҳсулотининг давлат назоратини амалга ошириш шартлари тўғрисида.

126. Сертификатлаштириш органи сертификатлашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиши учун қуидагилар асос ҳисобланади:

а) ушбу Техник регламентнинг 118, 119 ва 121-бандларида кўрсатилган хужжатлар тақдим этилмаганлиги ёки тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

б) тақдим этилган хужжатларда мавжуд маълумотларнинг ишончли эмаслиги.

127. Сертификатлаштиришни амалга оширишда темир йўл маҳсулотини идентификациялаш ва темир йўл маҳсулотини танлаб олиш сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширилади. Синовлар учун темир йўл маҳсулоти намуналарини танлаб олиш рўйхати Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан тасдиқланадиган миллий стандартлар ва (ёки) қоидалар тўпламларида белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Синовлар учун танланган темир йўл маҳсулоти намуналари, конструкцияси, тарқиби ва ишлаб чиқариш технологияси бўйича истеъмолчига (мижозга) етказиб бериладиган темир йўл маҳсулоти билан бир хил бўлиши керак.

128. Намуналарни танлаб олиш далолатномасида қуидагилар бўлиши керак:

а) намуналарни танлаб олиш далолатномаси тузилган сана ва унинг рақами;

б) намуналарни танлаб олишни амалга оширган ташкилот номи ва манзили;

в) темир йўл маҳсулоти номи;

г) ўлчов бирлиги;

д) танлаб олиш ўтказилган партиянинг миқдори (ҳажми);

е) партияни ташки кўрикдан ўтказиш натижалари (ташки кўриниши, қадоқлаш ва тамғалаш ҳолати, сертификатлаш кўрсаткичларини баҳолашнинг визуал назорат орқали аниқланадиган натижалари);

ж) партия ишлаб чиқарилган сана;

з) намуналар танлаб олишда асос бўлган норматив хужжатнинг белгилари ва номи;

и) танлаб олинган намуналарнинг миқдори ва рақами;

к) намуналар танлаб олинган жой;

л) ишлаб чиқарувчининг маҳсулотни қабул қилиш якунлангани бўйича хужжатлари;

м) сертификатлаштириш органи вакиллари ва ариза берувчининг реквизитлари ва имзолари.

129. Қуий тизимлар таркибий қисмлари элементларидан таркиб топган, мувофиқлиги мажбурий тасдиқланиши лозим бўлган темир йўл маҳсулотининг намуналарини танлаб олиш далолатномасига қуий тизимлар таркибий қисмлари алоҳида элементларининг мувофиқлик сертификатлари (мувофиқлик декларациялари) рўйхати ва темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқаришда кўлланган чизмалар рўйхати илова қилинади.

Темир йўл маҳсулотининг танлаб олинган намуналари тамғаланиб, хат ва топшириш далолатномаси билан бирга синовларга юборилади. Зарурат бўлса, танланган темир йўл маҳсулоти таркибига киритилган қуий тизимлар таркибий қисмларининг алоҳида элементларини муҳрлаш ва тамғалаш мумкин.

130. Идентификациялашда темир йўл маҳсулоти намуналарининг сертификатлаштиришни амалга ошириш тўғрисидаги аризада кўрсатилган асосий хусусиятлари тамғалашда ва илова қилинган хужжатларда қайд этилган, қуидагиларни ўз ичига олган ҳақиқий хусусиятлар билан таққосланади:

а) номи, тури, модели ва модификацияси;

б) ишлаб чиқарувчининг номи ёки маҳсулотнинг келиб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар;

в) темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқаришга асос бўлган хужжат;

г) белгиланган мақсадларининг кўрсаткичлари ва бошқа асосий кўрсаткичлар;

д) тегишли партияга тааллуқлилик;

е) тегишли технологик жараёнга тааллуқлилик.

131. Темир йўл маҳсулотининг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги аккредитация қилинган синаш лабораторияларида (марказларида) ўтказиладиган зарур турдаги ва тоифадаги синашлар натижасига асосан белгиланади.

Маҳсулотнинг чекланган партияси (ҳаракатдаги таркиб бирликлари, шунингдек, ғилдирак жуфтликлари ва уларнинг бутловчи қисмлари, автоулагичлар қурилмалари, араваларнинг рамалари, юқори кучланишдаги занжирларнинг ҳимоя аппаратлари бундан мустасно) мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш чоғида сертификатлаштириш органи маҳсулотнинг ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа хужжатлар билан бир қаторда, синовлар ушбу Техник регламент ва стандартлар талабларини инобатга олган ҳолда ўтказилганлиги шарти билан учинчи давлатлар томонидан ўтказилган синовлар баённомаларини кўриб чиқиш учун қабул қилиши мумкин. Зарур ҳолларда қўшимча синовлар ўтказилади.

132. Муддати беш йилдан ошган синовлар натижалари темир йўл маҳсулоти намуналарини сертификатлашда ҳисобга олинмайди.

133. Сертификатлаштириш мақсадида синовларни фақат аккредитация қилинган синаш лабораториялари (марказлари) томонидан ўтказишга рухсат этилади. Бундай синовлар сертификатлаштириш органи вакилларининг назорати остида амалга оширилади. Ушбу синовларнинг объективлиги аккредитацияланган синаш лабораторияси (маркази) билан бир қаторда, ушбу синов лабораториясига (марказига) синовларни ўтказишни топширган сертификатлаштириш органи томонидан таъминланади.

134. Синовлар баённомасида қўйидагилар бўлиши керак:

а) хужжатнинг номи ва белгиланиши, бунда хужжатнинг белгиланиши хар бир саҳифада такрорланади;

б) аккредитация қилинган синаш лабораториясининг (марказининг) номи ва манзили, унинг аккредитацияси тўғрисидаги маълумотлар (аккредитация гувоҳномасининг рақами, берилган санаси ва амал қилиш муддати);

в) синовларни амалга оширишни топширган ваколатли сертификатлаштириш органи ҳақида маълумот;

г) ариза берувчининг номи ва манзили;

д) темир йўл маҳсулоти белгилари (тавсифлаш, тамғалаш), идентификациялаш натижалари, ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумот ва ишлаб чиқариш санаси;

е) синовларни ўтказиш учун темир йўл маҳсулотини қабул қилиш санаси;

ж) баҳоладиган кўрсаткичлар ва уларга қўйилган талаблар, шунингдек, ушбу талабларни ўз ичига олган норматив хужжатлар тўғрисидаги маълумотлар;

з) синовларни ўтказиш санаси;

и) синовларни ўтказишда фойдаланилган стандарт ҳамда ностандарт усул ва услублар тўғрисида маълумотлар;

к) темир йўл маҳсулотини синовларни ўтказишдан олдин сақлаш, атроф-муҳит шароитлари, шунингдек, темир йўл маҳсулотини синовларга тайёрлаш тўғрисида маълумот;

л) фойдаланилган ўзига тегишли бўлган ва ижарага олинган синов ускуналари ва ўлчаш воситалари тўғрисидаги маълумотлар;

м) аккредитация қилинган бошқа синаш лабораторияси (маркази) томонидан ўтказилган синашлар тўғрисида маълумот;

н) ўтказилган синовларнинг зарур ҳолларда жадваллар, графиклар, фотосуратлар ва бошқа материаллар билан асосланган натижалари;

о) синовлар баённомаси фақат синов ўтказилган намуналаргагина тааллуқлилиги тўғрисидаги ариза;

п) олинган натижалар түғрисидаги далилий материаллар, шу жумладан, жадваллар ва (ёки) графиклар күринишидаги дастлабки қайд этилган маълумотлар;

р) маълумотлар устида ишлаш бўйича барча мезонлар ва олинган оралиқ маълумотлари кўрсатилган ҳолда дастлабки маълумотлар устида ишлаш жараёни;

с) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) раҳбарининг ташкилот муҳри билан тасдиқланган имзоси;

т) синовларни ўтказган масъул ижрочиларнинг имзолари ва лавозимлари;

у) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) номидан синовлар баённомасини тайёрлаш учун масъул бўлган шахснинг (шахслар) имзоси ва лавозими (зарур ҳолларда);

ф) сертификатлаштириш органи вакилининг имзоси – қабул қилиб олиш ва сертификатлаштириш синовлари бир йўла ўтказилган ҳолларда, шунингдек, синовлар ушбу Техник регламентнинг 133-бандига мувофиқ амалга оширилганда;

х) синовлар баённомаси (ҳисботи) чиқарилган сана;

ц) синовлар баённомасига (ҳисботи) ўзгартиришлар киритиш алоҳида ҳужжат (ҳисботга илова, олдинги баённомани бекор қиласидан ва янгилайдиган янги баённома) билан расмийлаштирилиши түғрисидаги маълумотлар;

ч) синовлар баённомасини қисман қайта чоп этиш имкониятини истисно этувчи ариза.

135. Синовлар баённомасига темир йўл маҳсулоти намуналарини танлаб олиш далолатномасининг тасдиқланган нусхаси ҳамда темир йўл маҳсулоти синовларга тайёрлиги түғрисидаги далолатноманинг нусхаси илова қилинган бўлиши керак. Синовлар баённомасида синовлардан олинган натижалардан келиб чиқадиган тавсиялар ёки таклифлар бўлмаслиги керак.

136. Ушбу Техник регламентнинг 134-банди талабларига мувофиқ расмийлаштирилган синовлар баённомаларининг асл нусхалари сертификатлаштириш органига икки нусхада тақдим этилади (биринчи нусха сертификатлаш йиғмажилдига, иккинчи нусха ариза берувчига юборилади). Синовлар баённомаларининг нусхалари, тегишли норматив ҳужжатларда ҳамда аккредитация қилинган синаш лабораториясининг (марказининг) ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддатидан кам бўлмаган давр ичida аккредитация қилинган синаш лабораторияси (марказ) томонидан сакланиши керак.

137. Ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш сертификатлаштириш пайтида текшириладиган барқарор хусусиятларга эга темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш учун зарур шарт-шароитлар мавжудлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

138. Темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш мувофиқлик сертификати бериладиган санадан кўпич билан ўн икки ой олдиндан (сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган ҳолларда) амалга оширилиши керак.

139. Темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш қўйидагиларга нисбатан амалга оширилади:

- а) технологик жараёнлар;
- б) технологик хужжатлар;
- в) технологик жиҳозлаш воситалари;
- г) технологик режимлар;
- д) технологик жиҳозлаш воситаларини бошқариш;
- е) метрологик ускуналарни бошқариш;
- ж) синашлар ва ўлчашлар услублари;
- з) хом ашё ва бутловчи қисмларни назорат қилиш тартиби;
- и) хом ашё ва бутловчи қисмларни назоратдан ўтказиш тартиби;
- к) темир йўл маҳсулотининг номувофиқлигини бошқариш;
- л) рекламациялар билан ишлаш тартиби.

140. Ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижаларига кўра сертификатлаштирилаётган темир йўл маҳсулотининг ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижалари тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатномада қўйидагилар кўрсатилади:

- а) маҳсулот ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижалари;
- б) маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолашда фойдаланилган кўшимча материаллар;
- в) темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳолатининг умумий баҳоси;
- г) тўғрилаш чораларини амалга ошириш зарурлиги ва муддати.

141. Сертификатлаштирилаётган темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижалари тўғрисидаги далолатнома сертификатлаштириш органида сақланади, унинг нусхаси эса ариза берувчига юборилади.

142. Сертификатлаштириш органи синовлар баённомасини (синовлар тўғрисидаги ҳисботни) ва темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижаларини таҳлил қилгандан сўнг (сертификатлаштириш схемаси ва шартномада белгиланган бўлса) мувофиқлик сертификатини бериш (беришни рад этиш) тўғрисидаги қарорни тайёрлайди.

143. Сертификатлаштириш органи томонидан мувофиқлик сертификатини рад этиш тўғрисида қарор қабул қилишга қўйидагилар асос бўлади:

- а) темир йўл маҳсулотининг ушбу Техник регламент талабларига номувофиқлиги;

б) темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолашнинг натижаси салбийлиги (сертификатлаштириш схемасида белгиланган бўлса);

в) тақдим этилган хужжатларда ишончли бўлмаган маълумотларнинг мавжудлиги.

144. Сертификатлаштириш органи темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги ҳақидаги сертификатини бериш тўғрисидаги қарор асосида мувофиқлик сертификатини расмийлаштиради, уни белгиланган тартибда Мувофиқлик сертификатлари давлат реестри ва Мувофиқлик декларациялари давлат реестрида рўйхатдан ўтказади ва ариза берувчига беради. Мувофиқлик сертификати фақат рўйхатдан ўтказилган рақами мавжуд бўлганда ҳақиқий ҳисобланади.

145. Мувофиқлик сертификатлари давлат реестри ва Мувофиқлик декларациялари давлат реестрида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

Темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги ҳақидаги сертификатнинг иловаси (унинг амал қилиши татбиқ этиладиган темир йўл маҳсулотининг аниқ турлари ва типлари рўйхати) бўлиши мумкин.

146. Мувофиқлигини мажбурий тасдиқлаш лозим бўлган таркибий қисмларни ўз ичига олган маҳсулотга мувофиқлик сертификати фақат ушбу таркибий қисмларга нисбатан мувофиқлик сертификатлари ёки мувофиқлик декларациялари мавжуд бўлган тақдирдагина берилиши мумкин. Мувофиқлик сертификатига иловада мувофиқлиги тасдиқланиши лозим бўлган таркибий қисмларга фақат мувофиқлик сертификатлари ёки мувофиқлиги тўғрисидаги декларациялар мавжуд бўлганда маҳсулотнинг мувофиқлик белгиси билан тамға қилиш тўғрисида ёзув киритилади.

147. Алоҳида таркибий қисмлар учун мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисида декларацияга эга бўлмаган маҳсулотнинг тажриба намуналарини алоҳида таркибий қисмлар учун мувофиқлик сертификати ёки мувофиқлик тўғрисида декларация олингунга қадар назорат остида муомалага чиқаришга рухсат этилади.

148. Темир йўл маҳсулотнинг конструкциясига (таркибига) ёки уни ишлаб чиқариш технологиясига, маҳсулотнинг ушбу Техник регламентнинг талабларига мувофиқлигига таъсир қилиши мумкин бўлган ўзгартиришлар киритилганда, ариза берувчи бу ҳакда олдиндан сертификатлаштириш органига хабар беради, сертификатлаштириш органи эса ўз навбатида янги синашларни ўтказиш ёки маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қиласи.

149. Сертификатлаштирилган темир йўл маҳсулотига илова қилинадиган эксплуатация хужжатларида (фойдаланиш бўйича кўлланма, формуляр, техник паспорт, ёрлик), шунингдек, товар хужжатларида ариза берувчи мувофиқлик белгисини қўяди, ўтказилган сертификатлаштириш ҳақидаги ёзувни киритади ва мувофиқлик сертификати бланкасининг ҳисобга олинган рақамини, рўйхатга олинган рақамини, берилган санаси ва амал қилиш муддатини кўрсатади.

150. Мувофиқлик сертификати эгасининг аризасига кўра мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати маҳсулотнинг конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясида ўзгаришлар, истеъмолчилар томонидан рекламация ва шикоятлар киритилмагандан, шунингдек, сўнгги давлат назоратининг ижобий натижаларига кўра қайта сертификатлаш ишларини якунлаш учун бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

151. Сертификат эгаси Ўзбекистон Республикаси худудида фойдаланиш учун ўзи тасдиқлаган мувофиқлик сертификатининг нусхаларини бериш ҳуқуқига эга.

152. Сертификатлаштирилаётган темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини назорат қилиш сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, сертификатланган темир йўл маҳсулотини назорат қилиш уни сертификатлаштиришдан ўтказган сертификатлаштириш органи томонидан амалга оширилади. Сертификатланаётган темир йўл маҳсулотини назорат қилиш темир йўл маҳсулотини синаш ва уни ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижалари кўринишидаги сертификатлаштирилган темир йўл маҳсулоти тўғрисидаги, темир йўл маҳсулоти мувофиқлик сертификатининг амал қилиш даврида ушбу Техник регламент талабларига мувофиқ бўлишда давом этишини тасдиқлаш мақсадида мувофиқлик сертификати ва мувофиқлик белгисини кўллаш шартлари ва қоидаларига амал қилиш тўғрисидаги маълумот олишни таъминлайдиган даврий (режали ёки режадан ташқари) баҳолаш шаклида амалга оширилади.

153. Куйидагилар давлат назоратининг даврийлиги ва ҳажмини аниқлаш мезонлари ҳисобланади:

- а) маҳсулотнинг потенциал хавф даражаси;
- б) маҳсулотни сертификатлашдан ўтказиш натижалари;
- в) маҳсулотни ишлаб чиқариш барқарорлиги;
- г) маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми;
- д) маҳсулотни ишлаб чиқаришда сертификатланган сифат менежменти тизимининг мавжудлиги;
- е) давлат назоратини ўтказиш нархи.

154. Давлат назоратини ўтказиш ҳажми, даврийлиги, муддати, моҳияти ва тартиби сертификатлаштириш органининг мувофиқлик сертификатини бериш тўғрисидаги қарорида белгиланади.

155. Режадан ташқари давлат назорати темир йўл маҳсулоти хавфсизлигига нисбатан шикоятлар тўғрисидаги маълумотлар (тасдикловчи хужжатлар) мавжуд бўлганда амалга оширилади. Ушбу маълумотлар истеъмолчилар, шунингдек, мувофиқлик сертификати берилган темир йўл маҳсулоти хавфсизлиги устидан давлат назоратини (текширувни) амалга оширувчи органлардан олиниши мумкин. Режадан ташқари давлат назоратида ишларнинг ҳажми темир йўл маҳсулоти хавфсизлигини таъминлашда аниқланган камчиликлар билан боғлик технологик жараёнларни баҳолаш зарурати билан белгиланади ва ишлаб чиқарувчи томонидан бепул асосда амалга оширилади.

156. Давлат назорати қуйидагиларни ўз ичига олади:

- а) темир йўл маҳсулотини сертификатлаштириш материалларини таҳлил қилиш;
- б) сертификатлаштирилган темир йўл маҳсулоти ҳакида келиб тушаётган маълумотларни таҳлил қилиш;
- в) сертификатлаштирилган темир йўл маҳсулотига берилган хужжатларнинг ушбу техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш;
- г) намуналарни танлаб олиш ва идентификациялаш, намуналарни синашдан ўтказиш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш;
- д) темир йўл маҳсулотининг конструкцияси ва ишлаб чиқариш технологиясига сертификатлаштириш пайтида кайд этилган, маҳсулотнинг хавфсизлик кўрсаткичларига таъсир кўрсатадиган ўзгартишлар киритилмаганлигини баҳолаш;
- е) сертификатлаштириш схемасида назарда тутилган бўлса, темир йўл маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш;
- ж) илгари аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган мувофиқлаштирувчи ҳаракатларни баҳолаш;
- з) темир йўл маҳсулоти мувофиқлик белгиси билан тамғаланишининг ва унга тегишли ҳужжатларнинг тўғрилигини баҳолаш;
- и) сертификатлаштирилган темир йўл маҳсулоти рекламацияларини таҳлил қилиш.

157. Давлат назоратини амалга оширишда синашларни ўтказиш моҳияти, ҳажми ва тартиби давлат назоратини амалга оширувчи сертификатлаштириш органи томонидан белгиланади.

158. Давлат назорати натижалари давлат назоратини амалга ошириш тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилади.

Давлат назоратини амалга ошириш тўғрисидаги далолатномада ушбу Техник регламентнинг 154-бандига мувофиқ бажарилган ишлар натижалари асосида темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига мувофиқлиги, ушбу ишларни амалга ошириш барқарорлиги ва берилган мувофиқлик сертификатини саклаб қолиш имконияти ҳакида ёки мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш (бекор қилиш) тўғрисида хulosha beriladi.

159. Давлат назорати қарорлардан бирин қабул қилиниши мумкин:

- а) темир йўл маҳсулоти ушбу Техник регламент талабларига жавоб берса, мувофиқлик сертификати амал қилишда давом этади;
- б) ариза берувчи мувофиқлаштириш тадбирлари ёрдамида ушбу Техник регламент талабларига нисбатан темир йўл маҳсулоти бўйича аниқланган номувофиқлик сабабларини бартараф эта олса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатиб турилади;

в) ариза берувчи мувофиқлаштириш тадбирлари ёрдамида ушбу Техник регламент талабларига нисбатан темир йўл маҳсулоти бўйича аниқланган номувофиқлик сабабларини бартараф эта олмаса, мувофиқлик сертификатининг амал қилиши бекор қилинади.

Ишлаб чиқарувчи, ишлаб чиқарувчининг ваколатли вакили, сотувчи, импорт қилувчи давлат назорати органининг харакатлари устидан суд тартибида шикоят қилишга ҳақли.

160. Мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш мувофиқлик сертификатларининг ягона давлат реестрига тегишли ёзув киритилган пайтдан бошлаб кучга киради.

161. Белгиланган муддат ичидаги мувофиқлик сертификати эгасининг айби билан давлат назоратини амалга оширишнинг имконияти бўлмаса, сертификатлаштириш органи мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарорни куйидаги ҳолларда қабул қиласи:

а) мувофиқлик сертификати эгасининг сертификатлаштириш органи билан давлат назоратини ўтказиш учун шартнома тузишдан бош тортиши;

б) мувофиқлик сертификати эгасининг давлат назорати учун сертификатлаштириш органи билан тузилган шартнома бўйича тўловни амалга оширишни рад этиши;

в) мувофиқлик сертификати эгасининг давлат назоратини ўтказиш пайтида сертификатлаштириш органи ходимларининг ишлари учун шароит яратишдан бош тортиши (хоналарни, ушбу Техник регламентнинг 156-бандига мувофиқ керакли маълумотларни тақдим этиш).

162. Мувофиқлик сертификати эгаси олти ойдан ортиқ муддат давомида сертификатланган темир йўл маҳсулотини ишлаб чиқармаса, темир йўл маҳсулотини муомалага чиқариш факат режадан ташқари давлат назорати ўтказилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

163. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатиб кўйилган ҳолларда:

а) сертификатлаштириш органи:

темир йўл транспорти соҳасида давлат назоратини амалга оширадиган республика ижро этувчи ҳокимиёт органларини ҳамда манфаатдор ташкилотларни хабардор қиласи;

мувофиқлаштириш чораларини амалга ошириш муддатини белгилайди ва мувофиқлик сертификати эгаси томонидан уларнинг бажарилишини назорат қиласи;

б) мувофиқлик сертификати эгаси:

белгиланган талаблардан четга чиқиб, истеъмолчиларга юборилган темир йўл маҳсулотининг миқдори ва жойлашувини аниқлайди;

маҳсулотдан фойдаланишни тўхтатиши тўғрисида истеъмолчиларни ва бошқа манфаатдор ташкилотларни хабардор қиласи ва аникланган камчиликларни бартараф этиш тартибини маълум қиласи;

аникланган камчиликларни жойида бартараф этади ёки ишлаб чиқарувчи томонидан маромига етказиш учун маҳсулотнинг қайтарилишини таъминлайди.

164. Мувофиқлик сертификати амал қилишининг тўхтатиб қўйилиши ёки бекор қилиниши, шунингдек, мувофиқлик сертификати амал қилиши қайта тиклаганлиги тўғрисидаги маълумот сертификатлаштириш органи томонидан темир йўл транспорти соҳасидаги давлат назорати органлар ва манфаатдор ташкилотларга маълум қилинади.

165. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиши бекор қилинган темир йўл маҳсулоти ариза берувчи томонидан керакли мувофиқлаштириш чоралари кўрилгандан сўнг сертификатлаш учун қайта тақдим қилиниши мумкин. Қайта сертификатлашда сертификатлаштириш органи аввалги сертификатлаштиришнинг ижобий натижаларини ҳисобга олиши мумкин.

166. Курилиши якунланган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари фойдаланишга қабул қилиш тартиб-таомилларидан ўтказилиши керак.

167. Фойдаланишга қабул қилиш лойиҳа ҳужжатларига ва унга белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларга мувофик тўлиқ ҳолда ёки курилиш босқичларига кўра амалга оширилади.

168. Фойдаланишга қабул қилиш буюртмачи томонидан тайинланадиган қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

Курилиши давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилган умумий фойдаланишдаги темир йўлларни, шунингдек, темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларини фойдаланишга қабул қилиш ваколатли орган томонидан тайинланадиган қабул комиссияси томонидан амалга оширилади.

169. Курилиши якунланган темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг қабул комиссиясига тақдим этиш учун тайёрлигини баҳолаш мақсадида буюртмачи пудратчининг курилиш якунланганлиги тўғрисида расмий хабарномасини олгандан кейин ишчи комиссияни (ишчи комиссиялари) тайинлайди.

170. Ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилишга тайёрлиги тўғрисидаги қарор қўйидагича қабул қилинади:

а) темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг ушбу Техник регламент ва белгиланган тартибда киритилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган лойиҳа ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини баҳолаш натижалари бўйича;

б) пудратчи томонидан ишлаб чиқиладиган ижро ҳужжатларини таҳлил қилиш натижалари бўйича;

в) ўлчашлар натижалари асосида, шу жумладан, йўлларни ўлчаш ва диагностика қилиш бўйича автоматлашган тизимлар ёрдамида, ишоотлар, мосламалар ва механизмларни синаш, шунингдек, ускуналарни комплекс синашдан ўтказиш.

171. Баҳолаш натижалари бўйича темир йўл транспорти инфратузилмаси объектлари қабул комиссияси томонидан қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида ишчи комиссия хulosा шакллантиради. Лойиха хужжатларидан четга чиқишилар аниқланса, улар темир йўл транспорти инфратузилмаси обьекти қабул комиссияси томонидан қабул қилинишидан олдин бартараф қилиниши керак.

172. Қабул комиссиялари ишчи комиссиялар томонидан аниқланган номувофиқликларнинг бартараф этилишини ва темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларининг фойдаланишга қабул қилишга тайёрлигини баҳолаши шарт. Белгиланган баҳолаш буюртмачи томонидан тузилган ва қабул комиссияси томонидан тасдиқланган дастурга мувофиқ амалга оширилади. Курилиши якунланган темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларини қабул қилиш қабул комиссияси томонидан ишчи комиссиянинг хulosаси асосида далолатнома, шунингдек, пудратчи томонидан тақдим этилган хужжатлар билан расмийлаштирилади.

Темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларини фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси қабул комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланиши керак, бунда уларнинг ҳар бири ўз ваколати доирасида қабул комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар учун жавобгар бўлади. Қабул комиссиясининг айрим аъзолари далолатномани имзолашдан бош тортган тақдирда, ваколатига кирадиган масалалар бўйича эътиrozларни баён этган ҳолда улар вакиллик қилаётган тегишли органларнинг хulosаларини комиссия раисига тақдим этиши шарт.

Ушбу камчиликлар хulosалар чиқарган органлар иштирокида бартараф этилиши керак.

Қабул комиссияси томонидан белгиланган муддатда камчиликлар бартараф этилмаса, темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектлари қабул комиссияси томонидан фойдаланишга тайёр эмас деб топилади.

173. Лойиха хужжатларида назарда тутилган атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни тиклаш, ерларни рекультивация қилиш ва кўкаламзорлаштириш бўйича ишларни якунламай туриб, темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларини фойдаланишга топшириш тақиқланади.

174. Темир йўл транспорти инфратузилмасини фойдаланишга топширишга рухсат олиш учун буюртмачи қонунчилик хужжатларига мувофиқ, темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларини фойдаланишга топшириш учун рухсатномалар бериш ваколатига эга органга мурожаат қиласи. Аризага қонунчилик хужжатларида назарда тутилган тартибда хужжатлар илова қилинади.

Тақдим этилган хужжатларни баҳолаш натижалари ижобий бўлса, буюртмачига темир йўл транспорти инфратузилмаси обьектларидан фойдаланишни бошлашга рухсат берилади.

## **6-боб. Ўтиш даври**

175. Техник регламент кучга кирган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси худудида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида амал қилувчи ва темир йўл маҳсулотларига талаблар белгиловчи норматив-хукукий ҳужжатлар Техник регламентга мувофиқлаштирилгунга қадар Техник регламентга зид бўлмаган қисмлари бўйича амал қиласди.

176. Техник регламент кучга киргунга қадар темир йўл маҳсулотларига берилган санитария-эпидемиология хulosалари ва мувофиқлик сертификатлари уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар амал қиласди.

## **7-боб. Техник регламент талабларига риоя этилиши бўйича давлат назорати**

177. Ушбу Техник регламентда белгиланган талабларга риоя этилиши устидан давлат назоратини Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси, шунингдек, бошқа маҳсус ваколатли давлат органлари ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

178. Ушбу Техник регламент талабларининг бузилишида айбор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Юқори тезликдаги темир йўл транспорти  
хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламентга  
1-илова

**Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги  
Техник регламент талаблари татбиқ этиладиган техник жиҳатдан  
тартибга солиш объектлари  
РЎЙХАТИ**

**I. Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуий  
тизимларининг таркибий қисмлари**

1. Темир йўл устки қурилмалари.
2. Сув ўтказувчи, деформацияни олдини олувчи, ҳимояловчи ва мустаҳкамловчи иншоотлар.
3. Темир йўллар.
4. Темир йўл станциялари.
5. Ер кўтармаси.
6. Контакт тармоғи.
7. Темир йўл кўприклари.
8. Темир йўл худудини ҳимояловчи тўсиқ.
9. Йўловчи платформалари.
10. Темир йўл устидан ўтувчи пиёдалар ўтиш кўприги.
11. Темир йўл остидан ўтувчи пиёдалар ўтиш туннели.
12. Темир йўл станциялари ва перегонда (станциялар оралиғида) сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш қурилма ва ускуналари.
13. Темир йўл электралоқа тизимлари, қурилма ва ускуналари.
14. Темир йўл станциялари ва станциялар оралиғида электр таъминоти тизими, қурилма ва ускуналари.
15. Темир йўл туннеллари.
16. Трансформатор подстанциялари.
17. Сув ўтказувчи қувурлар.
18. Тортиш подстанцияси (секциялаш пости).
19. Темир йўл участкаси.
20. Шовқиндан ҳимояловчи иншоотлар ва қурилмалар.

**Юқори тезликдаги темир йўл транспорти инфратузилмаси қуий тизимлари таркибий қисмларининг элементлари**

<b>Т/р</b>	<b>Темир йўл маҳсулоти номи</b>	<b>ТИФ ТН код</b>
1.	Темир йўл транспортида кўлланилувчи автоматлаштирилган ўлчаш ва назорат-синов дастгоҳлари ва тизимлари	85
2.	Темир йўл транспорти бўлинмаларида фаолияти темир йўл транспортида ҳаракат ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ ходимларнинг автоматлаштирилган иш жойлари	85
3.	Темир йўл транспортида ҳаракат ва ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ технологик жараёнларни автоматлаштирилган тезкор бошқариш тизимлари	85
4.	Темир йўл электр таъминоти телемеханикаси аппаратуралари	85
5.	Рельс уламалари учун болтлар	7302, 7318
6.	Темир йўл изи маҳкамловчилари учун қуима болтлар	7302, 7318
7.	Темир йўл изи маҳкамловчилари учун қисмали (клеммали) болтлар	7302, 7318
8.	Кенглиги 1520 мм бўлган темир йўллар учун стрелкали ўтказгичларга мўлжалланган темир-бетон бруслар	6810
9.	Темир йўл электр таъминоти қурилмалари учун қувватсизлантирувчи вентиллар ва ортиқча кучланишни чекловчилар	8535
10.	Рельс уламаси болтлари учун гайкалар	7318
11.	Темир йўл рельс маҳкамловчиларининг қуима болтлари учун гайкалар	7318
12.	Темир йўл изи маҳкамловчиларининг қисмали (клеммали) болтлари учун гайкалар	7318
13.	Ўтказувчан индуктив датчик	85, 90
14.	Рақамли кодланган автоблоклаш дешифраторлари	85
15.	Электрлаштирилган темир йўллар kontakt тармоғи қурилмаларининг диодли ерга улагичлари	85
16.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг kontakt тармоқлари таянчлари учун темир-бетон устунлари	6810
17.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг kontakt тармоқлари учун изоляторлар	8546
18.	Рельс маҳкамлаш учун прутли пружинали клеммалар	7302

19.	Узлуксиз маҳкамлаш учун ЖБР-65 пружинали клеммалар	7302
20.	Бўлакланувчи ва бўлакланмайдиган рельс маҳкамловчилари клеммаси	7302
21.	Стрелкали ўтказгичлар крестовиналари	73
22.	Ёруғлик фильтр линзалари ва линзалар, темир йўл транспорти линзали светофорлари учун лампа ушлагичи билан линзали тўпламлар	7014 00 000, 8530, 9002
23.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоғи таянчлари учун темир-металл устунлар	7308
24.	Темир йўл рельсларининг изоляцияли уламалари учун рельс накладкалари (рельс қопламаси)	73
25.	Кенг энли темир йўллар учун икки каллакли рельс накладкалари (рельс қопламаси)	7302
26.	Турли хил типли ва маркали стрелкали ўтказгич ўткир учлари (остряк)	73
27.	Темир йўлнинг бўлакланувчи маҳкамловчилар подкладкалари (тагликлари)	7302
28.	Темир йўл стрелкали ўтказгичлари гарнитураси, ташқи туташтирувчилари	73
29.	Тонал рельс занжири учун генератор, приёмник, фильтр ва кучайтиргич	84, 85
30.	Фидирак ўқларини хисоблаш тизими ва темир йўл участкаларини назорат қилиш датчиклари	85, 90
31.	Рақамли кодланган автоблоклаш дешифраторлари ва дешифратор блоклари	85
32.	Ҳаракат хавфсизлиги ҳамда ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ технологик жараёнларни оператив бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари учун темир йўл транспортининг дастурий воситалари	85
33.	Темир йўл рельсларига ўрнатилган пружинали қарши мосламалар	7302 90
34.	Темир йўл контакт тармоғи учун мис ва унинг қотишмасидан контакт симлар	8544
35.	Рельс маҳкамловчилар прокладкалари	7302
36.	Электрлаштирилган темир йўллар электр таъминоти тизимларининг тортиш подстанциялари учун ажратгичлар	85
37.	Электромагнит хавфсиз реле, жумладан, темир йўл автоматикаси ва телемеханикаси учун электрон реле, реле блоклари	8535, 8536, 8538
38.	Кенг энли темир йўллар учун рельслар	7302

39.	Айрили темир йўл рельслари	7302
40.	Контррельсли темир йўл рельслари	7302
41.	Рельс маҳкамлагичлари	7302
42.	Электрлаштирилган темир йўллар контакт тармоғи осмаси қурилмаларининг кўндаланг қаттиқ ригеллари	73
43.	Темир йўл транспорти сигнал қурилмалари учун ёруғлик фильтрлари, линзалар, ёруғлик фильтрли линзалар, нур ёювчи ва бурилувчи ўрнатма	7014 00 000 8530 90 9002 9405 91
44.	Электрлаштирилган темир йўл электр таъминоти қурилмалари учун статик ўзгартирувчи қурилмалар	8504 40
45.	Темир йўл стрелкали ўтказгичлари, таъмирлаш комплектлари (ярим стрелкали ўтказгич), берк кесишмалар	7302 8608 00 000 1
46.	Стрелкали электромеханик приводлар	8501 8608 00 000
47.	Темир йўл рельслари изоляция уламаси	7302
48.	Пружинали темир йўл қисмлари (икки айланмали шайба, ликопчастимон пружина, клеммалар)	7302 7318 21 000 7320
49.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг уланиш станцияларини химоялаш қурилмалари	85
50.	Электрлаштирилган темир йўлларнинг контакт тармоқлари таянчларининг пойдеворлари	68
51.	Кенглиги 1520 мм бўлган темир йўллар учун темир-бетон шпаллар	6810
52.	Темир йўл шуруплари	7318
53.	Темир йўллар балласт қатлами учун табиий тошдан шағал	2517
54.	Темир йўл стрелкали ўтказгичларининг маҳкамлаш элементлари	73

#### П. Юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркиби

Доимий токда, ўзгарувчан токда, икки тизимли (доимий ва ўзгарувчан) токда ҳаракатланувчи электропоездлар ҳамда уларнинг вагонлари

#### Юқори тезликдаги ҳаракатдаги темир йўл таркибининг таркибий қисмлари

Т/р	Темир йўл маҳсулоти номи	ТИФ ТН код
1.	Тормоз ричаг узатгичини автоматик ростлаш мосламаси (автоматик ростлагич)*	8607

2.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби автоматик тўхтаб туриш тормози*	8607
3.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибини қисқа туташув токларидан ҳимоя ва назорат қилувчи юқори вольтли аппаратлар	8535
4.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби учун бандаж	8607
5.	Магнит рельсли тормоз бошмоқлари*	8607
6.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тормоз колодкаси бошмоқлари*	8607
7.	Ҳаракатдаги темир йўл таркиби дискли тормоз накладкасининг (қопламаси) тормоз бошмоқлари*	8607
8.	Тормозлар блокировкаси*	8607
9.	Электр ҳаракатдаги таркиб учун кувватсизлантирувчи вентиллар ва ортиқча кучланишни чекловчилар	8535
10.	Ҳаво тақсимлагичлар	8607
11.	Ҳаракатдаги таркиб учун ёрдамчи электр машиналар (1 kW дан юқори)*	8501
12.	Электр ҳаракатдаги таркиб учун юқори тезликли автоматик ўчиргичлар ва асосий ўчиргичлар	8535
13.	Юқори вольтли вагонлараро уланишлар (биргаликда розетка ва штепсель)*	8535
14.	Ҳаракатдаги таркибининг юқори мустаҳкам ойна маҳсулоти	7007 7007 11 100 7007 21 7007 29 000 0 7008 00
15.	Ҳаракатдаги таркибининг гидравлик демпферлари*	8607
16.	Ҳаракатдаги таркиб учун тормоз дисклари	8607
17.	Ҳаракатдаги темир йўл таркибининг тормоз пневматик тизимлари учун резинали зичлагич маҳсулоти (диафрагмалар, манжетлар, воротниклар, зичлагичлар, прокладкалар)*	4016
18.	Автоулагич қурилмасининг тортиш хомутининг понаси*	73
19.	Ҳаракатдаги таркиб учун компрессорлар	8607
20.	Ҳаракатдаги таркиб тортиш узатгичининг цилиндрик тишли фидираклари	8607
21.	Ҳаракатдаги таркибининг таркибий фидираклари	8607
22.	Ҳаракатдаги таркибининг қўйма фидираклари	8607
23.	Ҳаракатдаги таркибининг фидирак жуфтликлари	8607

24.	Ҳаракатдаги таркиб учун композицион тормоз колодкалари	8607
25.	Ҳаракатдаги таркиб учун қўшма (чўян-композицион) тормоз колодкалари	8607
26.	Ҳаракатдаги таркиб учун чўян тормоз колодкалари	8607
27.	Юқори вольтли электропневматик ва электромагнит контактторлар	8535
28.	Автоулагич корпуси	8607
29.	Ҳаракатдаги таркиб учун машинистлар ўриндиқлари*	9401
30.	Ҳаракатдаги таркиб учун йўловчиликлар ўриндиқлари*	9401
31.	Ҳаракатдаги таркиб кузови*	8607
32.	Дискли тормоз қисқич механизми	8607
33.	Дискли тормоз накладкаси (қопламаси)	8607
34.	Ҳаракатдаги таркибнинг ишлов берилган ўқлари	8607
35.	Ҳаракатдаги таркибнинг ишлов берилмаган ўқлари	8607
36.	Автоулагич олд ва орқа тўсинглари*	8607
37.	Ҳаракатдаги таркиб учун юқори вольтли ўзгартиргич ва ажратгичлар	85
38.	Автоулагич зарба сўндирувчи аппарати	86
39.	Ҳаракатдаги таркиб буксаси учун роликли подшипниклар	8482
40.	Ҳаракатдаги таркиб учун юқори вольтли химоялагичлар	85
41.	Тортувчи ва тортмайдиган ҳаракатдаги таркибнинг статистик электр ўзгартирувчилари	85
42.	Ҳаракатдаги таркиб учун электромашина электр ўзгартиргичлари*	8501
43.	Магнитрельсли тормоз узатмаси*	8607
44.	Ҳаракатдаги таркибнинг сирпанишга қарши курилмаси*	85
45.	Ҳаракатдаги таркибнинг рессорли осма пружиналари	7320
46.	Ҳаракатдаги таркиб учун ажраткичлар, қисқа туташгичлар, юқори вольтли ерга улагичлар*	85
47.	Ҳаракатдаги таркиб учун реактор ва реактор курилмалари*	85
48.	Тортувчи ҳаракатдаги таркиб учун ҳаво резервуарлари*	73 7310
49.	Электропоездлар учун тортувчи узатмаси муфталарининг резина-корд қопламалари	40

50.	Электрик тормозни ишга туширувчи демпфер резисторлари*	85
51.	Ҳаракатдаги таркиб учун паст вольтли электр жиҳозлари:*паст вольтли контроллерлар;	8535
	автоматик ўчириб-ёқиши мосламалари;	
	электромагнит ва электрон (химоя, оралиқ, вақт ва дифференциал) релелари	
52.	Ҳаракатдаги таркиб тормозлари учун улаш енгчаси*	4009
53.	Ҳаракатдаги таркиб учун ойна тозалагичлар*	8479 89 970
54.	Улагич, жумладан, автоулагич	8607
55.	Моторвагонли ҳаракатдаги таркиб учун прицеп вагонлари аравачалари	8607
56.	Моторвагонли ҳаракатдаги таркиб учун тифонлар*	8306 10 000 0
57.	Машинистнинг тормоз кранлари	8607
58.	Электропоездлар учун тортиш электродвигателлари	8501
59.	Автоулагичнинг тортиш хомути	73 86
60.	Тормоз кучини юкламага боғлиқ ҳолда автоматик ростлаш мосламаси (авторежим)*	85
61.	Ҳаракатдаги таркибининг бошқариш, назорат ва хавфсизлик қурилмалари, комплекслари, дастүрий воситалари*	85
62.	Ҳаракатдаги таркиб учун дискли ғилдирак марказлари	8607
63.	Ҳаракатдаги таркиб учун куйма ғилдирак марказлари (куйма, ишлов берилган)	8607
64.	Ҳаракатдаги таркиб учун тормоз цилиндрлари*	8607
65.	Электропоездлар иситиш тизимлари учун электрокалориферлар	8516
66.	Ҳаракатдаги таркиб учун паст вольтли электр жиҳозлари:*паст вольтли контроллерлар;	85
	ўчириб-ёқиши мосламалари;	
	электромагнит (химоя, оралиқ, вақт ва дифференциал) релелари	
67.	Электропоездлар электр жиҳозлари*	85
68.	Электропоезд иситиш тизимлари учун электр иситгичлар қурилмалари	85

\*) Маҳсулотнинг мувофиқлигини тасдиқлаши мувофиқликни декларация қилиши йўли билан амалга оширилиши мумкин.

Юқори тезликдаги темир йўл транспорти  
хавфсизлиги тўғрисидаги Техник регламентга  
2-илова

**Фойдаланишга қабул қилинадиган юқори тезликдаги  
темир йўл транспорти инфратузилмаси объектларининг  
РЎЙХАТИ**

1. Темир йўл устки қурилмалари.
2. Сув ўтказувчи, деформациянинг олдини оловчи, ҳимояловчи ва мустаҳкамловчи иншоотлар.
3. Темир йўллар.
4. Темир йўл станциялари.
5. Ер кўтармаси.
6. Контакт тармоғи.
7. Темир йўл кўприклари.
8. Темир йўлнинг худудини ҳимояловчи тўсик.
9. Йўловчи платформалари.
10. Темир йўллар устидан ўтувчи пиёдалар ўтиш кўприги.
11. Темир йўллар остидан ўтувчи пиёдалар ўтиш туннеллари.
12. Темир йўл станциялари ва станциялар оралиғида сигнализация, марказлаштириш ва блоклаш қурилма ва ускуналари.
13. Темир йўл электралоқа тизимлари, қурилма ва ускуналари.
14. Темир йўл станциялари ва станциялар оралиғида электр таъминоти тизими, қурилма ва ускуналари.
15. Темир йўл туннеллари.
16. Трансформатор подстанциялари.
17. Сув ўтказувчи қувурлар.
18. Тортиш подстанцияси (секциялаш пости).
19. Темир йўл участкаси.
20. Шовқиндан ҳимояловчи иншоотлар ва қурилмалар.

**Темир йўл маҳсулотларини сертификатлаш схемалари  
РЎЙХАТИ**

<b>Схема белгиси</b>	<b>Схеманинг мазмуни</b>	<b>Ижрочилар</b>	<b>Кўлланиш доираси</b>
1c	Маҳсулот намунасини синаш, таҳлил қилиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш (кейинги ўринларда – синов)	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Маҳсулот миқдори чекланган ҳолда, яъни қисқа муддат ичida серияли ишлаб чиқариш жараёнида алоҳида партиялар ҳолида етказиб бериладиган (сотиладиган) маҳсулот ҳажми олдиндан белгиланганда кўлланилади. Сертификатнинг амал қилиш муддати 3 йил
	Синов натижалари ижобий бўлган тақдирда, маҳсулот ишлаб чиқариш муддати чекланган ҳолда олдиндан белгиланган партия учун мувофиқлик сертификатини ариза берувчига бериш	Сертификатлаштириш органи	
2c	Маҳсулот намунасини синовдан ўтказиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун аккредитация қилинган синаш лабораториясида (маркази) маҳсулот намунасини синаш ва ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш натижалари асосида мувофиқлик сертификати берилади. Сертификат 3 йил муддатга берилади.
	Ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш	Сертификатлаштириш органи	
	Синов ва ишлаб чиқариш ҳолати баҳолаш натижалари ижобий бўлган тақдирда, барча серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификатини ариза берувчига бериш	Сертификатлаштириш органи	

	Махсулот намунасини синовдан ўтказиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун кўлланилади. Мувофиқлик сертификати 3 йилдан ошмаган муддатга берилади.
3c	Синов натижалари ижобий бўлганда, барча серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун мувофиқлик сертификатини ариза берувчига бериш	Сертификатлаштириш органи	
	Аkkредитация қилинган синаш лабораториясида (маркази) маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш орқали 1 йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда давлат назоратини амалга ошириш	Сертификатлаштириш органи	
	Давлат назорати натижаси салбий бўлганда, мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш	Сертификатлаштириш органи	
4c	Махсулот намунасини синовдан ўтказиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун кўлланилади. Мувофиқлик сертификати 3 йилдан ошмаган муддатга берилади.
	Ишлаб чиқариш ҳолатини баҳолаш	Сертификатлаштириш органи	
	Ишлаб чиқариш ҳолати ва маҳсулотни синаш натижалари ижобий баҳолантганда, ариза берувчига мувофиқлик сертификатини бериш	Сертификатлаштириш органи	
	Махсулот намуналарини аккредитация қилингандан синаш лабораториясида (марказда) синовдан ўтказиш йўли билан 1 йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган ҳолда давлат назоратини ўтказиш, давлат назоратининг салбий натижаси бўлган тақдирда мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш	Сертификатлаштириш органи	

	Маҳсулот намунасини синовдан ўтказиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Серияли ишлаб чиқариладиган маҳсулот учун қуйидаги холатларда кўлланилади: синов учун танлаб олинган намуналарниң ҳакиций ҳажми ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳакида объектив хуоса чиқариш учун етарли бўлмагандан
5c	Сифат тизими ёки маҳсулот ишлаб чиқариши сертификатлашни амалга ошириш	Сертификатлаштириш органи	
	Синов натижалари ижобий бўлса ва сифат тизими ёки маҳсулот ишлаб чиқариш сертификатланган бўлса, ариза берувчига мувофиқлик сертификатини бериш	Сертификатлаштириш органи	Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари ташки омилларга сезувчан бўлгандан, маҳсулот хусусиятларининг барқарорлигига нисбатан юқори талаблар қўйилиб, маҳсулот модификациялари тез-тез ўзгариб турганда, маҳсулот ўрнатилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.
	Аkkредитация қилинган синаш лабораториясида (маркази) маҳсулот намуналарини синовдан ўтказиш орқали 1 йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган холда давлат назоратини амалга ошириш.	Сертификатлаштириш органи	Мувофиқлик сертификати 3 йилдан ошмаган муддатга берилади.
6c*	Давлат назорати натижаси салбий бўлгандан, мувофиқлик сертификатининг амал қилишини тўхтатиш ёки бекор қилиш	Сертификатлаштириш органи	
	Сертификатлаштириш учун тақдим этилган маҳсулотлар партиясидан танланган маҳсулотларнинг намунасини (намуналар) синашдан ўтказиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Маҳсулот партияси учун кўлланилади. Мувофиқлик сертификати тақдим этилган маҳсулот партиясига нисбатан татбиқ этилади.
	Синаш натижалари ижобий бўлганда, сертификатлаштиришга тақдим этилган маҳсулот партияси учун ариза берувчига мувофиқлик сертификатини бериш	Сертификатлаштириш органи	

7c*	Хар бир маҳсулот бирлигини синашдан ўтказиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Бир марталик ишлаб чиқариш ёки тегишли маҳсулотларнинг (донали буюмлар) реализациясида қўллаш тавсия этилади. Мувофиқлик сертификати тақдим қилинган маҳсулот миқдорига нисбатан татбиқ этилади.
	Синаш натижаси изжобий бўлганда ариза берувчига маҳсулот бирлигига мувофиқлик сертификатини бериш	Сертификатлаштириш органи	

*\*) Донали ёки партияларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун берилган маҳсулотларнинг Техник регламентлар талабларига мувофиқлиги сертификатининг амал қилиши муддати ушибу маҳсулотларнинг хизмат муддати тугашига қараб белгиланади, унинг давомида ишлаб чиқарувчи истеъмолчилар олдида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ мажбуриятларни зиммасига олади. Ушибу муддатдан кейин маҳсулотлар Техник регламент талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Маҳсулотнинг хизмат муддати ишлаб чиқарувчи томонидан белгиланмаган бўлса, унда мувофиқлик сертификатининг амал қилиши муддати бир йил этиб белгиланади.*

**Темир йўл маҳсулотининг мувофиқлигини декларациялаш схемалари**  
**РЎЙХАТИ**

Схема белгиси	Схеманинг мазмуни	Ижрочилар	Кўлланиш доираси
1д	Ўз далиллари асосида мувофиқлик декларациясини қабул қилиш	Ариза берувчи	Мувофиқлиги тасдиқланиши мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида амалга ошириладиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ ўз далиллари асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун кўлланилади
2д	Маҳсулот намунасини синаш, тахлил қилиш ва ўлчаш ишларини амалга ошириш (кейинги ўринларда – синов)	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида ўз далиллари ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида мувофиқлиги тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ олинган далиллар асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун кўлланилади
	Аkkредитация қилинган синов лабораториясидаги (маркази) синаш натижалари ижобий бўлганда, мувофиқлик декларациясини қабул қилиш	Ариза берувчи	
3д	Маҳсулот намунасини синовдан ўтказиш  Сифат тизимини сертификатлашни амалга ошириш  Аkkредитация қилинган синаш лабораториясида (маркази) синаш натижалари ижобий бўлганда ва сертификатлаштириш органи томонидан сифат тизими сертификатланганда, ариза берувчининг мувофиқлик декларациясини қабул қилиш	Аkkредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)  Сертификатлаштириш органи	Сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида ўз далиллари ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш шаклида мувофиқлиги тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ олинган далиллар асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун кўлланилади
	Ариза берувчи		

	Маҳсулот намунасини синовдан ўтказиш  Сифат тизимини сертификатлашни амалга ошириш	Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)	Сертификатлаштириш органи ва (ёки) аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази) иштирокида ўз далиллари ва мувофиқлик декларациясини қабул қилиш
4д	Аккредитация қилинган синаш лабораториясида (маркази) синаш натижалари ижобий бўлганда ва сертификатлаштириш органи томонидан сифат тизимини сертификатлашда мувофиқлик декларациясини қабул қилиш	Ариза берувчи	шаклида мувофиқлиги тасдиқланадиган маҳсулотлар рўйхатига мувофиқ олинган далиллар асосида серияли ишлаб чиқарилган маҳсулотлар учун кўлланилади
	Маҳсулот намуналарини аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказда) синашдан ўтказиш йўли билан давлат назоратини бир йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган холда амалга ошириш	Сертификатлаштириш органи	
	Давлат назоратининг натижаси салбий бўлганда, мувофиқлик декларациясини тўхтатиб туриш ёки тугатиш	Сертификатлаштириш органи	
5д	Мувофиқлик декларацияси учун тақдим этилган маҳсулот партиясидан танлаб олинган маҳсулот намунасини (намуналари) мувофиқлигини тасдиқлаш учун синашдан ўтказиш  Аккредитация қилинган синаш лабораториясида (марказида) синаш натижаси ижобий бўлганда мувофиқлик декларациясини қабул қилиш	Аккредитация қилинган синаш лабораторияси (маркази)  Ариза берувчи	Маҳсулот миқдори чекланган холда, яъни кисқа муддат ичida серияли ишлаб чиқариш жараёнида алоҳида партияларда етказиб бериладиган (сотиладиган) маҳсулот ҳажми олдиндан белгиланганда кўлланилади

Вазирлар Маҳкамасининг  
2025 йил “23” июлдаги 464-сон қарорига  
2-илова

**Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги  
Техник регламентни жорий этиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
I босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекцияси	Юқори тезликдаги темир йўл транспорти хавфсизлиги тўғрисидаги техник регламентни (Техник регламент) сертификатлаштириш органлари ва синаш лабораторияларига етказиш.	3 кунда
II босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Транспорт вазирлиги	1. Темир йўл маҳсулотини стандартлаш бўйича норматив-хукукий ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни хатловдан ўтказиш ҳамда рўйхатини тузиш.  2. Техник регламент талабларига риоя этилишини таъминлайдиган стандартлаш бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатлар рўйхатини тасдиқлаш чораларини кўриш.	1 ойда  10 кунда
III босқич	Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекцияси, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Темир йўл маҳсулотларининг Техник регламент талабларига мувофиқлигини баҳолаш учун сертификатлаштириш органи ва аккредитациядан ўтган синаш лабораторияларининг доирасини кенгайтириш бўйича чоралар кўриш.	3 ойда
IV босқич	Транспорт вазирлиги, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси	Техник регламентни кўллашнинг мақсади, мазмуни ва тартиби тўғрисида аҳоли, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари, тадбиркорлик субъектларини кенг хабардор қилишни таъминлаш.	жадвалга мувофиқ

V босқич	Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекцияси,  Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги	Техник регламент талабларига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга ошириш.	белгиланган тартибда
VI босқич	Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги,  Транспорт вазирлиги хузуридаги Транспорт назорати инспекцияси	Техник регламентни қўллаш тажрибаси мониторингини амалга ошириш ва маълумотларни тизимли равишда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	хар чоракда

